

2021 йилнинг 7 октябрь куни Сирдарё вилояти аҳолиси билан учрашувда Президентимиз томонидан мутасаддиларга аҳоли бандлигини ошириш, иш ва уй-жой билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Бу топшириқлар ижроси қай аҳволда? Вилоятда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар талаб даражасидами? Мухбиримиз шу ва бошқа саволлар билан Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон МИРЗАЕВга мурожаат қилди.



“КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БАРОБАРИДА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲАМ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК”

— Ғофуржон Ғаниевич, суҳбатимиз мавзудан келиб чиққан ҳолда, аввало, айтинг-чи, шахсан сиз қайси жихатларни камбағаллик мезонлари, деб биласиз?

— Менимча, бу саволни нафакат вилоят раҳбари, балки шу масалага масъулларнинг барчаси ўзлари га бериб, юрагидан ўтказиб, мулоҳаза юритишлари керак ва шарт. Токи, ким камбағалу ким ўртаҳоллигини аниқлашда адолатсизлик бўлмасин. Шахсан ўзим камбағалликнинг биринчи мезони сифатида оиланинг қай даражада уй-жой шароитига эга ё эга эмаслигида, деб биламан. Негаки, ўз бошпанаси бўлмаган оила қанча ҳаракат қилмасин, рўзғорида барака бўлмайди. “Бир эшик бўлса-ю, у ўз-ўзингники бўлса. Майли эди, эшик орти бўм-бўш, ҳеч вако йўқ кенглик бўлса ҳам. Мухими, эмин-эркин, ўзимники, деб кириб-чиксанг, бас”, деган гапни қардадир ўқигандим.

Назаримда, бу фикр моҳияти ҳаммага аён, аиникса, уй-жойга муҳтожлар ва аини муаммони бошидан ўтказганлар учун. Шу боис ҳам аҳолининг камбағал қатламини, аввало, ўз яшаш жойига, кичик ватанига эга бўлишига биринчи навбатдаги масала деб қараямиз.

— Ўтган йил охирида вилоят аҳолисига йўллаган мурожаатингизда “Келгуси беш йилда 10 минг хонадоили уй-жойлар қурилади”, деган режани келтириб ўтдингиз. Ушбу рақам таркибида уй-жойга эҳтиёжманд камбағал оилалар ҳам назарда тутилганми?

— Ҳа, албатта. Ҳисоб-китобимизга кўра, беш йилда 1,5 мингдан зиёд уй-жойлар кам таъминланган оилаларга ажратилади. Жумладан, оғир турмуш шароитида яшаётган 800 нафар аёл субсидия олади, 450 нафарига бошланғич бадал пули тўлаб берилади. Яна 120 нафари бепул уй-жой билан таъминланади. Лекин бу борадаги ишларимиз фақат шу билан чегараланиб қолмайди. Президентимиз ташаббуси билан бошқа ҳудудлардаги каби вилоятимизда ҳам “Янги Ўзбекистон” даҳаси қурилади. Яъни 2022 — 2024 йилларда Янгиер шахрида жами 16 гектарлик “Янги Ўзбекистон” даҳаси барпо қи-

линиши белгиланган. Бош режага асосан, жами 50 та беш каватли, минг хонадонли тураржой бинолари ва инфратузилма объектлари босқичма-босқич бунёд этилиши режалаштирилган.

Энг муҳими, бу уйларнинг нархи одатдагидан анча арзон бўлади. Ва уларнинг бир қисмига ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар имтиёзли равишда жойлаштирилади...

— Янги уй-жойлар, даҳалар лойиҳаларида иш ўринлари яратиш режалари ҳам борми?

— Келинг, шу ўринда дастлабки саволингизга берган жавобга қўшимча қилсам...

— Марҳамат.

— Биласиз, иш ўрни яратиш камбағалликни қисқартиришнинг яна бир асосий омили. Чунки уйли бўлган инсонга “Бўлди, энди у камбағалликдан чиқди”, деб қарамаслик лозим.

Халқимизда минг тилло билан боғлиқ ибратли ҳикоят бор: “Эмишки, бир саховатли инсон икки камбағалга тирикчилигини ўнглаб олиши учун минг тиллодан берибди-да, сўнгра орадан бир йил ўтгач, уларнинг ҳолидан хабар олибди. Ва бири бойиб кетганини, иккинчиси эса “эски ҳаммом, эски тос” аҳволда, камбағаллигича қолганини кўрибди. Яъни минг тиллони тadbирли сарфлаганнинг иши юришиб кетибди, ҳавога совурган эса...” Демокчи-манки, камбағалликни қисқартириш ишига фақат моддий ёрдам бериш, имтиёзли кредит ажратиш, уй билан таъминлаш деб қарамаслик керак. Аввало, ҳар кимнинг имконияти ва салоҳиятига яраша иш бериш лозим.

Масалан, имтиёзли кредит олган хонадон қўлидан келадиган йўналишни танласин. Гоҳида қузатиладигандек, у яшаётган ҳудудга хос ва уқувига мос бўлмаган соҳани эмас. Бундан ташқари, юртдошларимизни касбга ўргатиш масаласига диққат-эҳтиборимизни қучайтиришимиз жоиз. Токи ҳар бир ишсиз одам бирор касб ёки ҳунарни яхши ўрганиб, ўзида ишонч пайдо бўлгач, имтиёзли кредитни олиб, кўркмасдан иш бошласин.

Айни талаблар янги қурилаётган уй-жойлар лойиҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Яъни биринчи на-

вбатда, янги иш ўринлари бу ерда яшовчиларга яқин масофада бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу билан бирга, ҳудуднинг иқтисодий имкониятига хос ва “драйвер”и бўлган йўналишлар танлаб олинади.

— Суҳбатимиз аввалида камбағалликни аниқлашдаги адолат ҳақида гапирдингиз. Сизнингча, аҳолининг бу қатламини тўғри ва адолатли аниқлаб олишда фақат сўровномалар тўлдириб амалиёти кифоя қиладими?

— Яхши савол бўлди. Биласиз, халқимизда андиша туйғуси кучли. Қайсидир хонадон аслида ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманду, лекин буни билдирмасликка ҳаракат қиладди. Хўш, мана шу вaкtda нима қилиш керак?

Албатта, бундай ҳолатда, биринчи галда, маҳалла ва ундаги яқинда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари зийрак бўлишлари лозим. Бундай оилани аниқлаш ва унга ёрдам бериш орқали нафакат бир рўзғорга барака қиради, балки ўша хонадон аъзоларининг барчаси юртимизда инсон кадрига қанчалар юксак эътибор берилаётганини ўз ҳаётида ҳис қиладди. Кимгадир ана шу туйғуни бахш этишнинг ўзи ҳар биримизнинг ишимиздаги энг қатта натижа бўлади.

— Сиз раҳбарлик қиляётган вилоят аҳолиси бошқа ҳудудлар билан солиштирганда камроқ. Шундан келиб чиқилса, иш, уй-жойга эҳтиёжмандлар ҳам бирмунча оз бўлса керак...

— Менимча, ҳар бир муаммо унинг қўп ёки камлиги билан ўлчанмайди. Ҳудудида бир нафар бўлса ҳам, кимдир уйга, кимдир ишга муҳтожми, демак, ўша жойнинг мутасаддилари зиммасида масъулиятли вазифа турибди. Юқорида айтганимдек, инсон кадр фаолиятимизнинг бош мезони бўлиши лозим.

Мана эътибор беринг, вилоятимизда жами 236 та маҳалла бор. Ўтган йили ўрганишлар давомида 39 минг киши ишлаш истагини билдирган. Ва улардан 36 минг нафарининг ёки 91,4 фоизининг бандлиги таъминланди. Қолган қарийб 8 фоизи ҳам бир ёки икки киши эмас.

(Давоми 2-бетда.)

“КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БАРОБАРИДА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲАМ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК”

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Айни пайтда мана шу 8 фоиз аҳоли ва бу борада янги йилдаги ўрганишлар натижасида аниқланаётган яна бошқа ишга талабгорларнинг ниятларини амалга ошириш устида ишляпмиз. Бунда, айниқса, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки хунарли бўлиш кафолатли ишли бўлиш, дегани. Бу нафақат ҳаёт талаби, замон талаби ҳамдир. Ўтган йили ушбу йўналишда 81 фоизлик натижага эришдик. Яъни касб-хунарли бўлиш истагини билдирган 9,3 минг кишидан 7,5 минг нафари турли касб-хунарларга ўқитилди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида гап кетганда, “Бизда қачон йирик лойиҳалар бўлар экан, бандликни юз фоиз бажарган бўлар эдик”, деб қарайдиганлар ҳам бор. Бундай ёндашувга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Умуман олганда, бу гапда жон бор. Ҳақиқатан ҳам, бундан 6-7 йил аввал мана шундай ўйладиган, энг ачинарлиси, орзусининг амалга ошишини кутиб, қимматли вақтни беҳуда ўтказганлар бор эди, орамизда. Мана, бир неча йилдирки, имкониятни кутиб ўтириш эмас, уни атрофимиздан топишни ўргандик, ўзлаштирдик. Қолаверса, ўнлаб улкан лойиҳалар ҳам бўляпти, катта-катта заводлар қуриямиз. Шу билан бирга, чекка ҳудудларнинг имкониятига хос иқтисодийётни ҳам ривожлантиряпмиз.

Дейлик, кейинги ўрганишлар асосида жами 993 та “драйвер” лойиҳа аниқланди. Тез орада улардан 782 тасининг ишга туширилиши туфайли 15 минг 631 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади.

Мисол учун Сирдарё туманидаги “Sirdaryo sohil agro universal” масъулияти чекланган жамияти “Агро-банк” томонидан ажратиладиган 1 697,6 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига маҳалла ҳудудида 3 та контейнер ўрнатади. Уларга идора, ем сақлаш омбори, музлаткич жойланади. Бу ишнинг бошида турган МЧЖ “Лидер тадбиркор” деб юритилади, негаки, у барча оилавий тадбиркорларга ҳар жихатдан ёрдам беради. Хусусан, 52 та хонадоннинг ҳар бирига “Лидер тадбиркор” томонидан шартнома асосида 28,8 миллион сўмлик курка, парранда катаклари ва озука

маҳсулотлари ажратилади, ветеринария хизмати кўрсатилади ҳамда имтиёз сифатида ажратилган кредитнинг фоиз қарздорлиги тадбиркор томонидан қоплаб берилади. Натижада битта хонадон 4 ойда 42 миллион сўм даромад кўради, соф фойда эса 13,2 миллион сўмни ташкил қилади. Яна бир қулай жиҳати, фуқаролар томонидан етиштирилган курка гўшти таъминотчи тадбиркор томонидан сотиб олинади.

Ёки Сайхунобод туманининг Ўзбекистон маҳалласидаги “Лидер тадбиркор” томонидан эса 35 та хонадонга 20 тадан асалари қутилари етказиб берилади.

Умуман, бундай “драйвер” тармоқларга қўллаб-қўллаб келтириш мумкин. Бандлик ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг бу кўриниши ҳар жихатдан фойдалилигини эса изохламасак ҳам яхши маълум.

— Яқин йилларда вилоят бўйича маълумотларда, оз бўлса-да, мавжуд камбағалликни қисқартириш вазифаси тўлиқ бажарилади, деб ҳисоблайсизми?

— Камбағаллик бутунлай йўқ бўлади, дейиш ноўрин. Негаки, энг тараққий этган давлатларда ҳам бу муаммо бор. Лекин уни қисқартириш деган маррадан ҳам ошишимиз аниқ.

Буни яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қисқа вақтда, амалиётда жуда катта самара берадиган маҳаллабай ишлашнинг янги тизими йўлга қўйилдиган бўлди. Яъни, жорий йилдан бевосита ана шу тизим асосида ишлайдиган ҳоким ёрдамчилари иш

бошлади. Ушбу тизимга масъул бўлган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолияти ташкил этилиб, барча масала ечиб берилди. Ҳоким ёрдамчиларига аҳоли билан ҳар куни ишлаб, одамларга давлат томонидан яратилган молиявий имкониятларни етказиш, тадбиркорликка ва деҳқончиликка ўргатиш орқали уларни камбағалликдан чиқариш вазифаси юклатилди. Бу мақсадлар учун биргина жорий йилнинг ўзида 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия ажратилиши эса камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда жуда катта имкониятдир. Ушбу маблағ ҳар бир маҳаллага ўртача 1,3 миллиард сўмдан тўғри келиши қўллаб-қўллаб хонадонларга фойзу берака келтиради дегани, албатта.

Яна вилоятимиз бўйича гапирадиган бўлсам, ўтган йили жами 666 та оила ҳамда унинг 2,7 минг нафардан зиёд аъзолари камбағал, деб қайд этилиб, “темир дафтар”га киритилганди. Бугунги кунда бу рўйхатдаги меҳнатга лаёқатли аҳолидан 82,3 фоизининг бандлиги таъминланди. “Темир дафтар”даги эҳтиёжманд оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3,6 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Юзлаб оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Саволингизга жавоб сифатида яна шуни айтмоқчиманки, айни чоғда фақат камбағалликни қисқартириш эмас, унинг олдини олиш ҳақида ҳам ўйлашимиз ва шу мақсад йўлида масъулият билан ишлашимиз керак, деб ҳисоблайман. Ишончим комилки, мана шундай ёндашув билан Президентимиз қатъий мақсад сифатида белгилаб берган вазифани тўлақонли бажарамиз.

Сўнгсўз ўрнида: суҳбат якунида Ғофуржон Мирзаевдан “Ўзингиз ҳам камбағаллик нонини еганмисиз? Буни ҳаётингизда ҳис қилганмисиз?” деб сўрадик.

Жавоб шундай бўлди: “Отамдан эрта етим қолганмиз. Онам томорқамизда кўкатлар ўстирар эди. Мен уларни бозорга олиб чиқиб, сотиб келар эдим. Балки ўша пайтлар бола онгим билан унчалик сезмагандирман. Энди ўйласам, ўшанда рўзгоримизда катта молиявий қийинчилик бўлган экан”...

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ
суҳбатлашди.

ХАЛҚИМИЗГА ХУШ ЁҚУВЧИ ХУШҲАБАР

Вилоятимизга Туркия Жумҳуриятининг Соғлиқ билимлари университети ректори, профессор Жевдет Эрдог таъриф буюрди. Унга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амирилло Иноятов, вилоят ҳокими ўринбосари Отабек Носиров ҳамроҳлик қилдилар.

Дастлаб улар Гулистон тиббиёт коллежида бўлиб, коллеж ўқув бинасини кўздан кечиришди. Шундан сўнг Соғлиқ билимлари университети филиалини амалиёт базаси бўлиши кутилаётган “Гулистон тиббиёт кластери” лойиҳаси билан танишишди. Сўнгра унинг таркибига қўшилаётган Республика шойилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали ҳамда Гулистон шаҳридаги вилоят Перинатал марказида бўлишди. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари бу ерда амалга оширилаётган ишлар ва белгиланган лойиҳалар юзасидан керакли маълумотлар беришди.

Маълумки, Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг янги

модели – Гулистон тиббиёт кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоят даражасидаги самарасиз фаолият юритаётган муассасаларни қисқартириш, қайта молиялаштириш ва бошқарув харажатларини янада мақбуллаштириш орқали вилоят тиббиёт маркази, Республика шойилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали, вилоят Эндокринология диспансери, вилоят Кўз касалликлар шифохонаси, вилоят Тиббий диагностика маркази, Уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси бирлаштирилиб, “Гулистон тиббиёт кластери” ташкил этилади.

Шунингдек, мамлакатимизда илк бор ташкил этилаётган ушбу кластер ва бошқа тиббиёт муассасаларини замонавий кадрлар билан таъминлаш мақсадида Гулистон тиббиёт коллежи



негизда Туркиянинг Соғлиқ билимлари университети филиали очилади.

Филиалга қабул қилинадиган талабалар 3 йил Ўзбекистонда, 3 йил Туркияда таълим олади. Талабаларнинг 30 фоизи ўқишга грант асосида қабул қилинади. Ўқитиш ишлари кундузги таълим шаклида, давлат ва инглиз тилларида амалга оширилади.

– Тиббиёт соҳасини ривожлантиришда кластер усулидан фойдаланиш ўз самарасини бериши тажрибада исботланган, – деди Жевдет Эрдог. – Ўзбекистонда, жумладан, Сирдарёда олиб борилаётган ишлар яқин келажакда ижобий натижасини беришига ишончим комил.

М. ИСМОИЛОВ.

Эл соғлиги — юрт бойлиги

— Алишер Раимович, акцияларни сотиб олишда биринчи галда нимага эътибор қаратиш лозим?

— Аввало акциядорлик жамиятини молиявий томондан ўрганиш лозим бўлади. Бунинг учун корхонанинг расмий сайтида ёки корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) топиш мумкин бўлган АЖнинг фаолияти тўғрисидаги корпоратив маълумотлар ва молиявий хужжатларга эътибор қаратиш лозим. Бўлажак сармоядорлар АЖ даромадлари ва акциядорларга тўланган дивидендлар миқдорида аҳамият беришлари зарур. Бундан ташқари, “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайтида (www.uzse.uz) акциядорлик жамиятининг биржа листингига киритилганлигини ва мазкур жамият листингнинг қайси тоифасида эканлигини кўриши, бозор конъюктураси қизиқтирган компания рейтингини ва битимлар ҳажмини ўрганиш мумкин. Кимматли қоғозлар бозорида иштирок этишлик учун сармоя чегараси белгиланмаган, инвестор ўз молиявий имкониятидан келиб чиқиб, ўзига маъқул нархлар бўйича кимматли қоғозларни харид қилиши мумкин.

— Кимматбаҳо қоғозлар бозорини ўрганишда ишни нимадан бошлаш зарур?

— Бу борадаги ишни даставвал инвестиция воситачисини, яъни кимматли қоғозлар билан битимлар ва операцияларни амалга оширадиган кимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисини танлашдан бошлаш зарур. Кимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси — бу брокердир. Қонун ҳужжатларига кўра, жисмоний ва юридик шахслар фақат инвестиция воситачиси орқали у билан тузилган шартнома асосида фонд биржасида акцияларни сотиб олишлари ва сотишлари мумкин. Брокерлар рўйхати билан “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайтида (www.uzse.uz) танишиш мумкин.

Инвестиция воситачиси танлангандан ва у билан шартнома тузилгандан сўнг инвестиция воситачиси ўз мижозларига (жисмоний ва юридик шахсларга) ДЕПО ҳисобварағини (кимматли қоғозлар ҳисобини юритиш учун) очади ва мижозга фонд биржаси савдо тизимига шахсий кириш ҳуқуқини беради ёки мижознинг битимларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқномасини қабул қилади. Фонд биржасининг савдо тизимига шахсий кириш ҳуқуқига эга мижоз уйдан чиқмасдан кимматли қоғозларни сотиб олиши ва сотиши мумкин. Бунинг учун юқори технологияли компьютер тизими бўлиши шарт эмас, қулай мобил қурилмаси

Алишер ҲАКИМОВ:

“АКЦИЯ БОЗОРИНИ ЎРГАНИШ ЛОЗИМ”

Бугунги кунда кимматбаҳо қоғозлар, хусусан акциялар ва уларнинг бозори ҳақида кўпчилик хабардор. Лекин айнан шу акциялардан дивидендлар олиш, фойдасини кўриш масаласида сир эмас, кўпчилигимиз оқсаб қолаяпмиз. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозори ҳудудий иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳудудий шўъба мутахассиси Алишер Ҳакимов билан бўлган суҳбатда ана шу саволларга ойдинлик киритиш, фуқароларга маълумот беришга интилдик.

бўлса кифоя. Кимматли қоғозларни, жумладан, акцияларни сотиб олиш-сотиш учун шахсий кириш ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича йўриқнома интернет тармоғида намунавий тарзда ёритилган.

— Депо ҳисобварағини очиш учун инвестиция воситачисига қандай ҳужжатлар тақдим этиш зарур?

— Бундай маълумотларни инвестиция воситачисидан билиб олса ҳам бўлади, лекин минимал талаб қилинадиган маълумотлар қуйидагилардир:

Жисмоний шахслар (резидентлар) учун:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)
- СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами);
- E-mail (электрон почта манзили)
- мобил алоқа рақами
- банк реквизитлари, хусусан: пластик карта рақами, хизмат кўрсатувчи банк номи ва реквизитлари, жумладан, транзит ҳисобварағи, МФО ва СТИР рақамлари.

Юридик шахслар (резидентлар) учун:

- таъсис ҳужжатларининг нусхалари
- юридик шахснинг рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома
- E-mail (электрон почта манзили)
- банк реквизитлари
- раҳбарни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ва паспорт нусхаси.

Зарур ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, инвестиция воситачиси хизмат кўрсатиш шартномасини тайёрлайди ва мижоз шартномани имзолаганидан сўнг ДЕПО ҳисобварағи очилади (кимматли қоғозлар учун ҳисобварақ).

— Акцияларни сотиб олишда нимага асосий эътибор қаратиш лозим? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

— Сармоядорлар қуйидаги икки асосий йўналиш бўйича акциядан фой-

да олишлари мумкин:

— **капиталнинг ўсиши** (акция қийматининг ўсиши). Ҳар қандай компания ривожланиши билан унинг акциялари қиймати ҳам ошади ва акциядорлар капиталнинг ўсишидан даромад оладилар.

— **дивидендлар**. Акциядорларнинг қарорига кўра, дивидендлар кўринишидаги даромадлар тўланиши мумкин.

— **Акциядор ўзига тегишли акцияларни истаган вақтида сотиб юбориши ҳам мумкинми?**

— Бундай қарорни ҳар бир инвестор ўз тажрибаси, ўрганишлари натижасидан келиб чиқиб, қабул қилади, бу шахсий фикр, шахсий қарор. Лекин акцияларни сотишда ушбу икки ҳолатга эътибор лозим:

- янада жозибадор инвестицияларнинг пайдо бўлиши;
- акциялар қийматининг камайишига олиб келадиган компаниянинг молиявий кўрсаткичларининг пасайиши.

Профессионал инвестиция компанияси ёки брокерлик компанияси билан ҳамкорлик қилиш ҳам акцияларни қачон сотиш мумкинлигини аниқлашнинг бир усули ҳисобланади. Компания ўз таҳлилчиларининг хулосалари асосида тавсиялар беради.

Бундай ёндашув фонд бозорида энди иш бошлаётган инвесторлар учун қулайлик туғдиради, чунки у мақсадга мувофиқ бўлмаган сармояларни киришдан ва ўз капиталини йўқотишдан қўрқади.

— **Маълумки, акция сотиб олишдан мақсад даромадли бўлишдир. Акциядор ўз дивидендларини қачон ва қай тартибда олиши мумкин бўлади?**

— Бу АЖнинг ички ҳужжатларида қайд этилади (Устав, дивиденд сиёсати). Дивидендлар одатда йилга бир марта тўланади. Корхонанинг ўтган молиявий-ҳўжалик йили (даври) учун дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида, АЖнинг моли-

явий натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш йўли билан қабул қилинади. Агар компанияда йўқотишлар ёки фойданинг кичиклиги кузатилса ёки акциядорларнинг умумий йиғилишида олинган даромадни бошқа мақсадларга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинса, унда акциядорлар дивиденд олмасликлари ҳам мумкин.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва барча корпоратив ахборотлар акциядорлик жамиятининг веб-сайтида, корпоратив ахборотларнинг ягона порталида, “Тошкент” РФБ веб-сайтида жойлаштирилади ва акциядорга шахсий электрон почта орқали юборилади. Кимматли қоғозлар бозорида ахборотлар билан танишиш қонунчилик билан кафолатланган бўлиб, тартибга келтирилган.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгандан сўнг корхона уларнинг қабул қилинган қарорлари натижалари юзасидан, шунингдек, дивидендларни тўлаш вақти ва миқдори тўғрисида корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) эълонни жойлаштириш орқали хабардор қилади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, аксарият мурожаат қилган фуқароларимиз акцияларни олган жамиятларнинг акциядорлар реестрида акциядорларга тегишли маълумотлар, жумладан, паспорт маълумотлари янгиланмаганлиги, электрон почта манзили кўрсатилмаганлиги, корхона ва акциядорлар ўртасида алоқа ўрнатишга имкон бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг тўлов реквизитларини аниқлашда корхоналарда қийинчиликлар туғилаётганлигини айтишади. Бунинг учун акциядор ўзига тегишли маълумотларни янгилашларини сўраб, акциялари сақланаётган инвестиция воситачиларига мурожаат қилишлари лозим. Бу норма қонунчиликда ҳам белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасига кўра, “Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт”лиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса акциядорларимиз даромадлари-дивидендларини ўз вақтида олишларида кўмак беради ва айрим масалаларнинг ечим топишига имконият яратади.

— **Мазмуни суҳбат учун раҳмат.**

Рустам ЭМИН суҳбатлашди.

Мелиорация тадбирлари юқори ҳосилдорлик омилидир

Сув ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, бу борада муҳим жиҳатлардан бири — экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда жами 287,4 минг гектар суғориладиган экин майдонлари бўлса, шундан 276 минг 100 гектари турли даражада шўрланган ерлар бўлиб, бу ҳол тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигига доимо хавф солиб туради. Шу боисдан ҳам қишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш учун ўзига хос агротехникани талаб этади. Ўтган йилда вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласига жиддий аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилди.

— Вилоятимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёр даражада ушлаб туриш учун 16083 километр узунликдаги коллектор дренаж тармоқлари, шундан 8251 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 2197 дона кузатув кудуклари хизмат кўрсатиб келмоқда,



— дейди Сирдарё мелиоратив экспедицияси бошлиғи Шохрух Хонназаров. — Вилоятда ўтган йил давомида ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан тасдиқланган Давлат дастурлари доирасида 10 та лойиҳа асосида 120,4 километр очик ва 9,4 километрни ёпиқ-ётиқ дренаж коллекторларда қуриш ва реконструкция, 17 та лойиҳа асосида 756,8 километрни очик, 284,6 километрни ёпиқ-ётиқ ҳамда туманларда 126 та вертикал дренаж кудуклари, 8 та мелиоратив насос агрегатлари объектларида тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб, юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши натижасида лойиҳа ҳудудларидаги суғо-

риладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи 2 метрга туширилиб, 27 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди. Натижада ушбу ҳудудларда ҳосилдорлик пахта майдонларида ўртача 3-4, ғалла майдонларида 5-8 центнерга ошди. Вилоятдаги мелиорация ва ирригация иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари замонавий техникаларга эга “Сувомборқурилиш”, “Барақа қурилиш сервис”, “Бунёдкор” каби сув ҳўжаликлари иншоотларини қуришга иқтисослашган пудратчи корхоналар томонидан сифатли бажарилмоқда. Бу каби лойиҳаларни амалга оширишда корхоналардаги 60 та экскаватор, 12 та бульдозер, 3 та ёпиқ-ётиқ зовурларни ювиш агрегатларидан унумли фойдаланилди.

Жорий йилда 19 та мелиорация объектларида лойиҳа асосида 56,3 километр очик, 13 та гидротехник иншоот, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 15 та вертикал дренаж кудуклари, 166 километр ёпиқ-ётиқ, Мирзаобод, Сардоба, Оқолтин туманларида 238 та мелиоратив кузатув кудуклари, туманларда мелиоратив тик дренаж кудукларини реконструкция қилиш ва қуриш, Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” канали бўйида барпо этилган хиёбонда янги 2 та мелиоратив тик дренаж кудуғи қуриш, 13 та объектларда 872 километр очик, 300 километр ёпиқ-ётиқ, 270 та тик дренаж кудуғи ва мелиоратив объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилади.

Қуйи Сирдарё ИТХБ матбуот хизмати.

“UNION STATION SERVICE” МЧЖ ва Сирдарё таъмирлаш тиклаш хизмати ДУК вилоят филиали ўртасида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган эди, бироқ...

ДАЪВО АРИЗАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Шартнома – икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув, шартнома тузишнинг асосий мақсади эса фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзаро фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолатини расмийлаштиришдан иборат эканлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида қайд этилган.

Шартномага киришувчи шахслар ким билан, қачон шартнома тузишни, у тўғрисида етказиб берилиши лозим бўлган пул, товар, ашёларни қайси муддатларда, қандай транспортларда етказилишини, тўлов амалдаги қандай шаклларда бўлишини мутлақо ўзлари, мустақил ҳал қиладилар. Бироқ, аксар ҳолларда шартнома шартлари бузилиб, тарафлар ўртасида келишмовчиликлар юзга келаётгани ҳам афсуски, учраб турибди.

“UNION STATION SERVICE” МЧЖ раҳбари Т.Давирбоевни вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга етказган муаммо ҳам шунда, аслида. “UNION STATION SERVICE” МЧЖ ва Сирдарё таъмирлаш тиклаш хизмати ДУК вилоят филиали ўртасида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган эди, бироқ...

Мазкур мурожаат Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлими томонидан кўриб чиқилди.

Шартномага асосан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича “Со-тувчи” “Харидор”нинг топшириғига кўра, қурилиш маҳсулотлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олиши назарда тутилган бўлиб, шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулот белгиланган шартномавий нархлар ҳақиқий харажатлар калькуляциясига асосан ўзгариши мумкинлиги, шартнома бўйича реализация қилинаётган товарнинг ҳақиқий баҳоси товар етказиб берилганда тақдим этиладиган ҳисоб-фактурага асосан тўланиши белгиланган.

Ўрганиш давомида масъулияти чекланган жамият томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра,



корхонага жами 72 300 200 сўмлик маҳсулот етказиб берилганлиги, жамият томонидан маҳсулот ҳақини тўлаш юзасидан корхонага талабнома юборилган бўлса-да, корхона томонидан тўлаб бериш чоралари кўрилмагани, натижада корхона жамиятдан 72 300 200 сўм қарздор эканлиги маълум бўлди.

Ушбу қарздорлик тарафлар ўртасида тузилган таккослаш далолатномасида ҳам ўз аксини топди.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шунингдек, Кодекснинг 263-моддасига мувофиқ, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъий назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Юқоридагиларга асосан, вилоят адлия бошқармаси томонидан “UNION STATION SERVICE” МЧЖ манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Қайд этилганларга асосланиб, мазкур даъво аризаси қаноатлантирилди, суд қарори билан Сирдарё таъмирлаш тиклаш хизмати ДУК ҳисобидан “UNION STATION SERVICE” МЧЖ фойдасига 72 300 200 сўм асосий қарз ва 8 000 000 сўм пеня, жами 80 300 200 сўм ундирилиши белгиланди.

Ж.ШАМИРЗАЕВ,
вилоят адлия бошқармаси ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлими бошлиғи.

ҚАРОР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ

Янги Ўзбекистонда демократия деганда нафақат фуқаролар эркинлиги ва тенглиги таъминланган халқ ҳокимиятчилиги, балки бир пайтнинг ўзида одамларни ҳаётдан рози қилиш, халқ ичига чуқур кириб бориш, том маънода ҳар бир инсоннинг дарду интилишларини билиш, уларнинг муаммоларини самарали йўлга қўйиш ҳам тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон Фармонида мувофиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш туманлар (шаҳарлар) адлия бўлиmlарининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифа сифатида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, шу жумладан Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш белгиланган. Шу муносабат билан Гулистон шаҳар адлия бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4730-сон Қарори ижроси мониторинг қилинди.

Шунга кўра, янгича баҳолаш тизими ташкил этилиши, унда раҳбарларнинг ўз ишини масъулият билан бажариш баробарида энг яхши ишлайдиган ходимларни рағбатлантириш ва қониқарсиз ишлаётганларини эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган меъёрларнинг белгиланиши ҳар бир раҳбарни сидкидидан меҳнат қилишга ундайди.

Аниқланишича, шаҳар маданият бўлимининг масъул ходимларига нисбатан ҳар ойлик озиқ-овқат, йўлқира харажатлари ҳамда кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш пуллари тўланиши юзасидан берилган маълумотномасига асосан Г.Каримовга 2021-йил январь-ноябр ойлари учун жами 15 652 608 сўм, С.Тўхтаевга ана шу ойлар учун жами 14 567 100 сўм, И.Каримовга юқоридаги ойлари учун 14 567 100 сўм, М.Мусаевга кўрсатилган муддат учун жами 11 922 504 сўм миқдоридаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4730-сон Қарори талабларига зид равишда шу кунга қадар берилмаган.

Юқоридагиларга кўра, ўрганиш натижалари юзасидан қайд этилган масъул ходимлар манфаатида адлия бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига ушбу маблағларни ундириб бериш борасида 2022 йил 18 январь куни ариза киритилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, маданият ходимларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш уларнинг соҳа фаолиятини ривожлантиришга маънавий жиҳатдан кўтаринки руҳ бағишлаши бозор иқтисодияти даврида ҳеч кимга сир эмас.

Н.ҚАРШИБОВ,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи.

Банкирлар ГАЗЕТА ўқишмайдими?

“Янги Сирдарё” — “Новая Сырдарья” газеталари таъбир жоиз бўлса, воҳамиз иқтисодий-ижтимоий-маданий-маънавий ҳаётининг кўзгуси саналади. Унинг саҳифаларида вилоят ҳокимлигининг қарорлари, танқидий-таҳлилий мақолалар пайдар-пай чоп этиб борилади. Янги Сирдарёнинг бугуни ва эртасини гўзал тарзда ярағатлаган замонамиз қаҳрамонларининг шижоати унда акс этади. Минг йиллик қадриятларимиз, урф-одатларимиз кенг ёритилади. Шу боис вилоятимиз ҳокимининг “Республика, вилоят газета ва журналлари 2022 йил учун обунани ташкил этиш тўғрисида”ги баённомасида обунага алоҳида эътибор қаратилган. Шаҳар ва туманлар, ташкилот, корхона ва муассасаларга “Янги Сирдарё” — “Новая Сырдарья” газеталари учун обунанинг тавсиявий режаси тақдим этилган.

“Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи”, деган халқимизнинг пурҳикмат мақоли бор. Ўзлигини англаган ташкилотлар баённомадан худоса чиқариб, олти ойлик, йиллик обунани баҳоли қудрат ташкил этишди. Бироқ банкирларимиз маънавий мавсумига (обуна мавсумини биз маънавий мавсумига менгадлик) панжа орасидан қараганлиги бизни ўйлантириб қўйди. Журналистикада: “Фактлар ўжар бўлади”, деган нақл бор. Банкларимизнинг ўтоғаси — Марказий банк вилоят бош бошқармаси на “Янги Сирдарё”га, на “Новая Сырдарья”га бирор нусха обуна бўл-



мабди. Ваҳоланки, вилоят ҳокимининг тавсиявий режасига кўра, Ўзбекча газетага 25 нусха, русчасига эса 10 нусха обуна бўлиши кўрсатиб қўйилган.

Қатга арава қаердан юрса, кичиги ҳам шу ердан юради, деган гап ҳақроост экан. “Қишлоққурилишбанк”, Миллий банк, “Асакабанк”, “Ҳамкорбанк”, “Микрокредитбанк” вилоят бўлиmlари ҳам “Янги Сирдарё” — “Новая Сырдарья” газеталарига бирор нусха обунани ташкил қилмабди. “Туронбанк”, “Саноатқурилишбанк”, “Агробанк” (фермерлар билан биргаликда), Халқ банки, “Ипотекабанк” вилоят бошқармалари эса обунани ҳўжақўрсинга ташкил этибди. Рақамларга мурожаат қилайлик: “Туронбанк” “Янги Сирдарё”га 20 нусха ўрнига олти ойга 2 нусха обуна бўлибди. “Саноатқурилишбанк”нинг бу борадаги кўрсаткичи ҳам ҳамкасблариникига икки томчи сувдек ўхшаш. Халқ банки ва “Ипотекабанк” мос равишда “Янги Сирдарё” газетасига 30 ва 25 нусхадан обуна бўлиши белгиланган бўлса-да, 2 нусхадан олти ойга ёзилибди. “Янги Сирдарё” — “Новая Сырдарья” газеталарига энг кўп — 100 нусхадан обуна бўлиши тавсия этилган “Агробанк” (фермерлар билан биргаликда) ҳар икки газетага бир йилга 1 нусхадан обуна бўлибди, холос. Қатор банклар ҳатто “Новая Сырдарья” газетасига обуна ташкил этишни унутиб қўйишибди.

Биз банкирларни ҳисобдон, шу билан бирга маънавийатли кишилар эканлигини жуда яхши биламиз. Ўйлаймизки, улар вилоят ҳокимлигининг нашрлари бўлмиш “Янги Сирдарё” — “Новая Сырдарья” газеталарини ҳам севиб ўқишади. Бунинг учун аввало, мазкур газеталарга обуна бўлиш даркор. Обуна эса йил-ўн икки ой давом этади. Ажабмас, эртадан банкирларнинг столлари устида ҳам газеталаримиз пайдо бўлса...

Муҳаммад АЛИ

Луқма

Коррупция ва унга қарши курашиш

Коррупцияга маълум бир йўналиш бўйича ҳокимиятга эга бўлган ҳар қандай мансабдор шахс йўлиқиши мумкин. Коррупциянинг асосий стимули амалдорнинг ўзига бириктирилган мансаб ваколатларидан фойдаланиб, иктисодий фойда олиш бўлса, ушбу жиноятни содир этмасликни ушлаб турувчи фактор содир этаётган жиноят очилиб қолиши ва жазо олишининг муқаррарлигидир.

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қулдорлик даврида коррупциянинг энг қадимий тури порахўрлик ҳисобланган. Бугунга келиб эса, коррупциянинг турли кўринишлари вужудга келганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, бу ўзига манфаатли маълум бир ишни амалга ошириш учун давлат ишида ишлайдиган амалдорлар ҳамда мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни сотиб олиш, ноқонуний чеклашларни ташкил қилиш, тадбиркорликни ривожланишида бюрократик йўл билан сунъий тўсиқлар қўйиш, ноқонуний протекционизм, яъни турли йўللار билан мамлакатнинг импорт ва экспорт жараёнига аралаштириш, уни чеклашда намоён бўлади.

Коррупциянинг маиший тури оддий фуқаролар билан амалдорлар ўртасида бўладиган ўзаро ҳаракатлар натижасида юзага келади. Масалан, бунда фуқаро маълум бир ишни битказишда уни ҳал этиш вазифаси юклатилган амалдорга пул, турли совғалар тақдим этади. Амалдор уларни олиб, эвазига фуқаронинг ишини ижобий ҳал этади. Бундай жиноятларни яна таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, ошно-оғайнигарчилик, қудда-андачилик орқали амалдорлар томонидан унга мурожаат этган фуқаронинг ишини бажаришда кўриш мумкин.

Коррупция нафакат давлатнинг ривожланишига тўсиқ бўлади, у миллат маънавиятини ҳам синдиради. Коррупция натижасида давлат ботқоққа ботади, мамлакат иктисодиёти уюшган жиноий гуруҳлар қўлига ўтади. Натижада улар мамлакат иктисоди-



ётини бошқаради. Ўзига мос бўлган қонунларни чиқаришга эришади, ҳалол ишламоқчи бўлган тадбиркорларни синдиради, мамлакат бошқарув тизимини қўлга олади, сайлов ишларига аралашади, юқори даражадаги давлат бошқарувидаги кадрлар масаласини ҳал этади.

Иктисодиётда яширин бизнес (теневая экономика) ривожланиши натижасида солиқ тушумлари кескин камаяди, давлат ғазнасида солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган миллиардлаб маблағлар тушмайди, коррупция иктисодиётнинг ҳар бир соҳасида монопол бўлишга эришади, бозор иктисодиётини ривожланишига тўсиқ бўлади. Бунинг натижасида чет эл инвесторларининг давлатга сармоя киритиши кескин камаяди, киритилаётган сармоялар ҳам талон-тарож қилинади. Бир сўз билан айтганда, бозор иктисодиёти шаклланмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлари лаёқатсиз бўлган, суд ҳокимияти ҳақиқий маънода ҳокимиятнинг бошқа тизимларидан мустақил бўлмаган, сўз эркинлиги, сиёсий қарашлар ва мафқураларнинг хилма-хиллик асосида ривожланмаган, банклар фаолияти бозор иктисодиётига мос равишда тартибга солинмаган жамиятда коррупция гуллаб-яшнайд.

Коррупциянинг томир отиши миллатнинг кадрларига, маънавиятига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, боғчага боласини жойлаштиришдан бошлаб, мактабда ва олий таълим муассасаларида ўқитиш, ишга жойлаштириш жараёнининг ўзида маънавий қашшоқ одамлар бир нечта турдаги коррупция жиноятлари иштирокчисига айланиб қолиш ҳеч гапмас.

Ушбу жирканч иллатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мақсадида мамлакатимизда бир қанча қонун ва бошқа турдаги норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2017 йил 3 январдан қучга кирган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли фармони, 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президентнинг ПК-4761-сонли қарори, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом, 2021 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ва бошқа бир қатор норматив ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ҳар қандай қабул қилинган қонун ёки норматив ҳужжатлар жамият ижтимоий муносабатларини тартибга солишда таъсирчанлиги, ишлаб кетиши ва унга амал қилишдаги қатъийлиги билан қучли бўлади, самара беради. Шу сабабли коррупциянинг олдини олиш ва жиноятчиликни бартараф этишда фуқаролар ҳам юқорида қайд этилган қонун нормаларига риоя этиши ва амалдорларни ҳам ушбу қонунларга бўйсунганини талаб этиши, қатъий фуқаролик принципида бўлиши, мамлакат давлат ҳокимият тизимларини бўлиниши принципига тўлиқ амал қилишига эришиш, суднинг тўлиқ маънода мустақил бўлишини таъминлаш, мабуотнинг шаффофлиги ва сўз эркинлигига қатъий риоя этилиши, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ муҳокамасига тақдим этиш орқали ечиш, демократик ҳуқуқ ва эркинликларни Конституцияда белгилаб қўйилганидек, ҳимоя қила олиш орқали эришиш мумкин.

А.СУВОНҚУЛОВ,

Оқолтин туманлараро иктисодий суди раиси.

ТАДБИРКОРНИНГ САРСОНГАРЧИЛИГИ ТУГАДИ

Энди у Хитойдан зарур ускуналарни сотиб олиб кела олади

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси “А” хусусий корхонаси манфаатида Туманлараро иктисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “В” акциядорлик тижорат банки зиммасига 2019 йил 28 декабрда тузилган 34-сонли кредит шартномасига асосан даъвогарга йиллик 8 фоиз устама тўлаш шarti билан, 36 ой муддатга, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун 400 000 000 сўм кредит маблағи ажратиш мажбуриятини юклаганини сўраган.

олган. Мазкур шартноманинг 1.2-бандида кредит муддати асосий қарз тўлови бўйича 6 (олти) ой имтиёзли давр билан 2022 йил 27 декабрда амал қилиши, 1.3-бандида кредитдан фойдаланганлик учун фоиз миқдори 8 фоизни ташкил этиши, 1.4-бандида эса кредит маблағлари Хитой технологияси асосида “Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш учун ускуналар” сотиб олиш мақсадида берилиши белгиланган.

Кредит мажбуриятининг бажарилиши таъминоти сифатида 2019 йил 31 декабрда гаров шартномаси тарафлар томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган. Унга қўра, фуқаро “М”га тегишли бўлган 1995 йилда

ишлаб чиқарилган, Mercedes Benz/Sprinter 312-русумли, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, ГБАСПГ CHANA русумли ҳамда фуқаро “С”га тегишли бўлган 2015 йилда ишлаб чиқарилган GM UZ CAPTIVA русумли автомобилар гаровга қўйилган ва уларнинг



нобуд бўлиши ёки шикастланиши 2019 йил 30 декабрдаги шартномага асосан сўғурга қилинган.

Шунингдек, 2019 йил 30 декабрда кредитни сўғурталаш бўйича 063-сонли шартномага асосан 63-сонли сўғурта полиси берилган. Унда 400 000 000 сўм кредитнинг 162 000 000 сўми сўғурта қилинган.

Бундан ташқари, кредит миқдорининг 50 фоизи, яъни 200 000 000 сўмига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қафиллиги берилган.

Бироқ “В” акциядорлик тижорат банки томонидан шартномада белги-

ланган миқдорда ва шартлар асосида кредит маблағлари ажратилмаган.

“А” хусусий корхонаси бир неча бор “В” акциядорлик тижорат банкига ва бошқа органларга кредит маблағлари ажратилмаётганлиги юзасидан мурожаат қилган бўлса-да, аммо ушбу мурожаатлар оқибатсиз қолдирилган. Судга тақдим этилган далиллардан кўринадики, “А” хусусий корхонаси кредит маблағларининг ажратилиши учун шартномада белгиланган барча мажбуриятларини бажарган, лекин “В” акциядорлик тижорат банки кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажармасдан даъвогарга 400 000 000 сўм кредит маблағларини асосиз равишда ажратмаган. Шу сабабли вилоят суди иктисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарорига асосан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинди.

Қарорга қўра, “В” акциядорлик тижорат банки зиммасига мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кун муддат ичида 2019 йил 28 декабрда тузилган 34-сонли кредит шартномасига асосан “А” хусусий корхонасига йиллик 8 фоиз устама тўлаш шarti билан 36 ой муддатга, Хитой технологияси асосида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун 400 000 000 сўм кредит маблағини ажратиш мажбуриятини юкланди. Хуллас судга мурожаат қилган тадбиркорнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, унинг мурожаати ижобий ечим топди.

Энди тадбиркор банкдан кредит маблағларини олиб, уларни мақсадли сарфласа бўлгани.

Ихтиёр ҲАКИМОВ,
вилоят судининг
иктисодий ишлар бўйича
судьяси.

МАХСУС СЕРТИФИКАТЛАР

Вилоят халқ таълими тизимидаги бошланғич таълим йўналиши бўйича ходимлари USAID ва Халқ таълими вазирлиги ўртасидаги қўшма лойиҳа бўйича ўқув дастурларида тренер ўқитувчи ва халқаро баҳоловчи сифатида иштирок этиб, махсус сертификатларни қўлга киритишди.

Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 15 ноябрдаги хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5712-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 15 ноябидан 14 декабрига қадар Халқ таълими вазирлиги томонидан АКШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва RTI интернационал Trauangle тадқиқот институти билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш ва математика фанидан билимларини аниқлаш дастури (Early grade math/reading assesment-EGRA/EGMA) республика миқёсининг 900 дан ортиқ мактабларида амалга оширилди.

Мазкур дастур республика миқёсдаги 2-4-синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлиги ва математик билимларини аниқлаш мақсадида ўтказилиб, самарали якунланди. USAID ва Халқ таълими вазирлиги ўртасидаги қўшма лойиҳа ушбу фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

EGRA va EGMA – умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчи-

ларининг саводхонлик ва ҳисоблаш кўникмаларини баҳолашга мўлжалланган илмий асосланган моделларга таянади.

Бугунги кунга қадар USAID EGRA va EGMA баҳолаш тадқиқотини кўплаб мамлакатларда ўтказиб, тўпланган маълумотлар ушбу мамлакатларда ўз ўқувчиларининг ўқиш ва математика бўйича асосий кўникмаларини яхшилашга ёрдам берган.

Халқаро баҳолаш дастурида Сирдарё вилоятидан Мирзабод, Сайхунбод тумани ҳамда Ширин шаҳар халқ таълими бўлимининг 3 нафар бошланғич таълим методистлари ва вилоятдаги 17 нафар бошланғич синф ўқитувчилари иштирок этдилар. Вилоятимизнинг ушбу 20 нафар бошланғич таълим йўналиши бўйича ходимлари тренер ўқитувчи ва халқаро баҳоловчи сифатида иштирок этиб, махсус сертификатларни қўлга киритишди.

Вилоят халқ таълими бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбасари О.Мирбаратов ва бошланғич таълим методисти Г.Давронова иштирокчиларга Халқ таълими вазирлиги ва АКШ халқаро тараққиёт агентлиги USAID томонидан берилган махсус сертификатларни эгаларига топширди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан жорий йилнинг 17 январидан бошлаб вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида вилоят ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари фан методистлари учун “Методистлар мактаби” фаолияти йўлга қўйилди.

“МЕТОДИСТЛАР МАКТАБИ” ИШ БОШЛАДИ

Ушбу мактабни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад “Таълим тўғрисида”ги Қонун талабларига асосан методистларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, аниқ мақсадга йўналтирилган дастур асосида ўқувлар ташкил этиш, таълим муассасалари ходимларининг ахборот ва методик таъминотга бўлган эҳтиёжлари мониторингини олиб бориш ва шу асосда режа тузиш ишларини ўргатиш, таълим муассасаларининг методик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари белгилаб бериш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш ишларини тўғри амалга оширишни ўргатиш, методистларни методик, бадий адабиёт ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодлари ҳамда инновацион тажрибалар билан таништириш, ўқитувчи ва раҳбарлар малакасини, касбий маҳоратини оширишни режалаштиришда эҳтиёжни ўрганишни ташкил этиш ахборот-методик ёрдам бериш йўллари кўрсатиш, таълим муассасалари методбирлашма ишларини ташкил этиш усулларини ўргатиш, таянч мактабларини белгилаш, ушбу мактабларда илмий-амалий конференциялар, фестиваллар, кўрик-танловлар ташкил этишни ўргатиш, таълим муассасаларида методик ишларни мувофиқлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича билимларини оширишдан иборат.

“Методистлар мактаби” бир йилда икки марта фаолият юритиб, машғулотлар бир ҳафталик 48 соатдан иборат ўқув дастури асосида вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази профессор-ўқитувчилари ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими фан методистларидан иборат ўқитувчи-тренерлар томонидан олиб борилади.

“Методистлар мактаби” ўқув курсининг январь ойида ўтган илк машғулотларида туман, шаҳарлардан ташриф буюрган 78 нафар фан методистлари иштирок этди.

Мазкур ўқув жараёнида вилоят халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими бошлиғи Ш.Холмуратов, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази педагогика, психология ва таълим технологиялари кафедраси мудири И.Абдурайимов, кафедранинг тажрибали катта ўқитувчиси Н.Юнусметова ва бошқалар машғулотлар олиб боришди.

Ўқув курси дарс машғулотлари поёнида тингловчиларнинг олган билим ва кўникмалари синовдан ўтказилиб, махсус сертификатлар билан тақдирланади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати.

ПОКИЗА АЁЛЛАРГА ҚАСИДА

Истеъдодли адиб Алиқул Хонимкуловнинг “Ёмғирни соғинган одамлар” кассаси элга келган бир фожиа тасвири билан бошланади. Яъни Чақир атрофидаги ўнлаб қишлоқларга қурғокчилик ўз ҳукмини ўтказиш бошлайди. Фожиадан бутун табиат азият чекади. Бола-бақараю аёллар қадим урф-одатларни адо этишади. “Суст хотин” кўшигини қуйлашади. Аҳли қишлоқ Яратгандан ёмғир сўраб, дуога қўл очади.

Хар қандай фожианинг пайдо бўлишига албатта, бир сабаб бўлади. Халлоқи олам инсонлар маънавиятининг кашшоқлашиши, башар фарзандларининг она табиатга зуғум қилишига қараб турли бало-қазоларни юборади. Адиб кассида ана шундай инсонийлигини йўқотган салбий қахрамонларнинг эсда қоларли образларини яратган.

Нозигул саратонга йўлиқиб, тўшакка михланиб қолган. Филҳақиқат, одам фарзандларига касалликни Яратган эгам беради. Бу ҳам бир синов-да. Суйган қулига дард беради, деган гап бор-ку. Бироқ адиб кассида Нозигул фожиасини маънавий ўпирилиш натижаси сифатида талқин қилади. Гулдай оиласи, вафодор турмуш ўртоғи, суянчиқ фарзандлари ва келинлари бўла туриб фахш йўлга кириб кетган Нозигул охири тузалмас хасталикка гирифтор бўлади. Энг ачинарлиси, у жон таслим қилаётганда ҳам Яратганга тавба қилмайди. Унинг қалби яхшиликлар, эзгуликлар учун бутунлай қўлфланиб улгурган.

Бошқа бир салбий қахрамон Хадича дастурхончининг келини Широной эса Россияда соппа-соғ ишлаб юрган турмуш ўртоғини кутишга сабри етмай ўзга бир кишининг никоҳига ўтиш учун ҳаракатда.

Вафо ва садоқатда дунёга ўрناк бўлган момо-оналаримиз шаънига доғ туширган бундай касларни кўрганда нафратимиз ўн чандон ошиб кетади, беихтиёр Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри эсга келади.

Тужжор Соли немис эса фойда кетидан қувиб, хар қандай пасткашликдан қайтмайдиган замонавий тадбиркорларнинг типик тимсоли. Кассида бундай катта-кичик салбий образлар бир талай. Нозигулни йўлдан урган Раҳим мўйлов, солиқчининг кўёви Элдорбой, эрли хотин Широнойни ўз никоҳига олмоқчи бўлган Самадбой ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини кузатарканмиз, қишлоққа соя сола бошлаган фожианинг асл моҳиятини англагандай бўламиз. Жамиятдаги маънавий таназзул турли-туман бало-қазолар, ўпирилишларга кенг йўл очиши мумкин.

Раҳматли падари бузрукворим мулла Сайдумар хар гапида дунёни яхши одамлар ушлаб турибди, бўлмаса, ер чаппа айланиб кетарди, деган гапни кўп айтарди. Чақирда ҳам бало-қазоларга даф бўладиган яхши одамлар кўп эди. Шулардан бири кассидаги Нормат афғон образида ўз тажассусини топган. Уни бемалол “қишлоқнинг виждони” деса бўлади. Афғон урушидан ярим жон бўлиб қайтган Норматни хотини ҳам ташлаб кетади. Бироқ у ҳаёт қийинчиликлари олдида енгилиб қолмайди. Хар куни қишлоқ ўртасидаги қўш қарнайдан ҳамқишлоқларини дунёда, овулда бўлаётган воқеалардан воқиф этади. Эгри йўлга кадам қўйган қишлоқдошларини инсофу тавфиққа чақиради. Унинг сўзлари бамисоли ҳукмдай жаранглайди.

Нормат афғон — кучли образ. Унинг характери, феъл-атвори бўртиқ чизгиларда кўрсатилган. Кассани ўқиш асно ҳа-



ётда шундай инсонлар борлигига баъзан шубҳаланиб қоласан киши.

Кассидаги Талъат образини ҳам шу тоифадаги қахрамонлар сирасига киритиш мумкин. Ёзувчи уни қишлоқнинг “ахлоқ кўриқчиси” сифатда талқин этади. Талъат хар кадамда қишлоқ аёлларини миллатимизга хос қийинишга, қадриятларимизни ҳурмат қилишга ундайди. Мазкур масалада ўзига қарши борганлар билан керак бўлса, ётиб ёқалашади. “Ахлоқ кўриқчиси” алалоқибат бу йўлда ширин жонини ҳам аямайди.

Битикдаги эсда қоладиган образлардан яна бири Ибрат Усмондир. У турмуш ўртоғи Нозигул ёмон йўللarga кириб кетганидан кейин чопонини елкасига ташлаганча уйдан чиқиб кетади. Қишлоқ қабристонни хонақоҳида қўним топади.

Гўрқовлик қилади. Қабристонни обод манзилга айлантиради. 3 гектар ерда ёнғокзор ташкил этади. Бироқ шундай ижтимоий фаол инсоннинг оиласини сақлаб қолмагани, хотинини йўлга соломлагани ачинарлидир.

Асарда ёши бир жойга бориб қолган Мўмин чол ва Қумушнинг соф муҳаббати шоирона пафос билан очиб берилган.

Муаллиф касса аввалида шундай сўзларни келтиради: “Бу бахсли битиклар дунёдаги барча ҳам руҳан, ҳам жисмонан покиза аёлларга бағишланади”. Чақирликлар Нормат афғонга ўхшаган тоза инсонларнинг савий-ҳаракатлари билан кўплаб ножиоз ишлардан бош тортадилар. Касса умидли ҳулоса билан якун топади. Беш ойдан бери осмонга термилиб, ёмғир кутган одамларнинг армонлари ушалади. “Ярим тунда кўкдаги юлдузларни кимдир териб олди. Ой ҳам ўзини панага тортиди. Кўп ўтмай шатира-шутур ёмғир ёға бошлади. Қишлоқ вағир-вуғурга тўлди”. Ҳа, ёмғир табиат ва инсонларнинг кўнгилларидаги кир-чирларни ювиб, тозалай бошлади. Ёмғирни соғинган одамларнинг кўнглида келажкка ишонч пайдо бўлди.

Кассанинг яна бир катта ютуғи тилининг ширадорлигидир. Адабиётнинг биринчи унсури тил, деган ҳикматда катта гап бор. Алиқул Хонимкулов ўз кассасида халқ иборалари, мақолларидан ўринли фойдаланган. Бу китобнинг ўқишлилигини оширади.

“Ёмғирни соғинган одамлар” — адибнинг иккинчи кассаси. Бундан олдин А. Хонимкуловнинг “Оқ писта” кассаси дунё юзини кўрган эди. Мамлакатимизнинг нуфузли нашриёти “O‘zbekiston” НМИУ хар икки кассани бир жилдада 1500 нусхада чоп этди. Хар икки асар маънавиятимизга мадҳиядек жаранглайди. Янги ва яхши асар билан қаламқаш дўстимизни табриклаймиз.

Муҳаммадали АХМАД.

Китобингиз

Семинар-тренинг

беришда қўлланиладиган та-комиллаштирилган чизел культиваторлар, кишлоқ хўжалиги экинларини суғориш эгатларига қора полиэтилен плёнка тўшайдиган курилма, комбинациялашган дискли бороналарнинг иктисодий самарадорлиги, техник кўрсаткичлари, инновациялари бўйича маълумот берилди.

Бўлиб ўтган мунозаралардан сўнг тилга олинган воси-

Фахрий журналистга эҳтиром

Янги Ўзбекистон инсон қадри улугвор бўлган мамлакат саналади. Кексаларини улуглаган, эъзозлаган юртнинг келажаси ҳам улуг бўлади.

Орамизда шундай кишилар борки, умри давомида турли рахбарлик лавозимларида ишлаган, катта-кичик жамоаларга бош бўлиб ўтган бўлса-да ҳамиша камтарликни, самимийликни биринчи ўринга қўядилар. Уларга халкимиз камтарга камол, кўнгли очикнинг йўли очик, дея таъриф беради. Сирдарёлик журналист, маънавий тарғиботчиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Акбарали Мирзааҳмедовнинг фазилатлари тўғрисида ҳам ана шундай сифатларни айтиш жоиздир.

А.Мирзааҳмедов Сирдарё туманида туғилиб, ўсган, мактабда билим олган, олий ўқув юртини (собик ТошДУнинг филология факультети журналистика бўлимини) тугатгач, журналистик фаолиятини дастлаб туман газетаси тахририятида бошлаган. Кейин кўп йиллар давомида вилоят миқёсида турли ташкилотларда рахбарлик лавозимларида ишлади. Қаерда ким бўлиб ишласин, ўзини журналистикадан айро тутмади. Ҳамиша ижод аҳлига яқин, ҳамфикр бўлди, вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида фаол иштирок этиб турди. Айниқса, маънавий-маърифий, маданий масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Кейинги йилларда Сирдарё туманида маънавий-маърифий тарғибот ишлари бўйича туман бўлимига рахбарлик қилди.

Акбарали ака бу йил 75 ёшини қаршилаган бўлса ҳам ҳамон меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. Қади тик, бардам ва бакувват бўлиб, элга хизмат қилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбарияти томонидан А.Мирзааҳмедов таваллуд топган кун муносабати билан у кишини йўқлаб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Шу куни бўлимнинг хайъат йиғилиши кекса

журналистнинг таваллуд кунига бағишланган тадбирга уланиб кетди.

Тадбирда уюшма вилоят бўлими мутахассиси Дилором Исмадиёрова, ГулДУ профессори Равшанбек Маҳмудов, “Университет овози” газетаси бош муҳаррири Мунаввар Пардаев ва бошқалар юбилярнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида тўхталдилар. Тантана сабабчисига уюшма номидан кутлов битилган нома ҳамда эсдалик совға тухфа қилинди.

— Мен умрим давомида кўпроқ бошқа соҳаларда ишласам-да ҳамиша ўзимни журналистлар каторидан, деб ҳисоблаганман, — деди А. Мирзааҳмедов. — Дўстларимнинг кўпи ижодкорлар, улар билан суҳбатлашсам, кўнглим равшан тортади. Мени ҳурмат қилиб, таклиф этишгани, сийлашгани учун уюшманинг вилоят бўлими ходимларидан, журналист дўстларимдан миннатдорман.

Тадбир сўнгида Акбарали акадан, “доимо шундай ёш кўринишингиз, бардам, тетик ва кувнок бўлиб юришингизнинг сабаби нимада?” деб сўраганимизда у киши “Инсон одамларни севиши керак. Агар у одамларни севса, улар билан суҳбатлашса, фикрлашса, ҳаётда ўзини эркин сезади, руҳияти тетиклашади, яшаши ҳам осон бўлади, серзавк ва кувнок умр кечирилади. Мен ҳамиша одамлар орасидаман, уларнинг дарди, қувончу ташвишларига шерикман. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда инсоннинг бахтли, гўзал ва фаровон ҳаёт кечириши учун амалга оширилаётган ишлардан қувонмай, завқланмай, ҳаяжонланмай бўладими?.. Бу имкониятлар шу юртда яшаётган ҳар бир инсонга янада мазмунли ҳаёт бағишламокда, биз — кексаларни ёшартирмоқда”. — деди.

Х.ЭШОНҚУЛОВА.

Зни ўқидим

Сермазмун умрини машаққатли соҳага бағишлаган Ўз-

бекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Пардабоева навқиронлик давридаёқ устоз шоир Тўра Сулаймоннинг меҳрини қозониб, у кишидан дастлабки тетапоп лирик мисралари учун мактов эшитган бахтли каламкашлардан ҳисобланади. Ортда қолган йиллар давомида ўз касбини эъзозлаб, маҳорат бобида мукамаллик даражасига эришган таниқли ижодкор “Янги Сирдарё” газетаси тахририятида қирк беш йилдан бери самарали фаолият кўрсатиб, воҳамиз солномаларини яратишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётгир.

Холида опа ўтган йилларда ёзган мақолалари орасидаги энг сараларидан бир нечтасини жамлаб, китоб ҳолида шаклида чоп эттиришга аҳд қилган эди. Янги йил арафасида “Зиё нашр матбаа” хусусий корхонасида унинг “Оналик бахти” деб номланган китоби дунё юзини кўрди.

Китоб “Публицистика”, “Замондошларимиз”, “Хотира саодати” ва “Ҳаётий лавҳалар” деб номланган бўлимларни ўз ичига олган. Х.Пардабоева падари бузруквори Эшонкул ота ва волидаи муҳтарамаси Хожарбиби ая ҳақидаги хотираларини соғинч ҳиссига йўғрилган сатрларда шундай мужассам этганки, ўқиб чиққанмишда меҳри чексиз фарзанд сифатида уларнинг бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзигулик одамийликлари билан бир умр фахрланиб яшаётганига иймон келтирамиз.

Китобдаги дастлабки публицистик мақола “Ғурурим тоғдек баланд” деб номлангани бежиз эмас. Битиклар билан танишганимизда ифтихорга йўғрилган кечинмаларини қоғозга тушириш дақиқаларида муаллиф ўзи яшаётган жаннатмакон юртда истиклол туфайли оламшумул ўзгаришлар рўй бераётганидан қувонганини мухлислар билан баҳам кўришни орзу қилганини ҳис қиламиз. Х.Пардабоева ҳаётда жуда кўп ҳолатларда инсон фахрланиши муқаррарлигини эътироф этган ҳолда Ва-

таларни амалиётга жорий қилиш бўйича келишиб олинди. Семинарда вилоят туманларидан ташриф буюрган мева-сабзавотчилик фермер хўжаликлари рахбарлари ва вакиллари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Х. АБДУВОҲИДОВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа. Тасвирчи: Ф. ТОШМАТОВ.

МАҲОРАТ МАКТАБИДА
ТОБЛАНИБ...

тан билан фахрланиш туйғуси ҳаммасидан устун туриши ҳақида сўз юритади.

Тўпламнинг “Оналик бахти” деб номланишида ҳикмат бор, албатта. Зеро, Холида опа ўзини бахтли оналар сафига қўшишга қанчалар ҳақли эканлигига бир ҳамкасб сифатида кўп йиллардан бери гувоҳмиз. У киши икки нафар фарзандни ёлғиз ўзи тарбиялаб, вояга етказди. Бугунги кунда Манзура иктисодчи мутахассислиги бўйича банк ходимаси. Умиджон ўзининг тиришқоклиги туфайли Ҳиндистондаги халқаро Маҳиндра коллежида грант асосида таълим олди. У коллежни имтиёзли диплом билан тугатиши арафасида қўнғирок қилиб, Канада давлатидаги халқаро Алберто номли университетга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилингани ҳақида хабарни етказганида онаизорининг қувончи қалбига сиғмаган эди.

Мақолани тайёрлашда Х.Пардабоева ўғлининг айни пайтда Канаданинг Калгари шаҳрида нуфузли компанияда масъул лавозимда ишлаётгани ва уни йўқлаб бориб, дийдор кўришгани ҳақида тўлқинланиб калам тебратганини сатрлар аён қилиб туради.

Холида опа Наврўз байрами мавзуси билан боғлиқ ажиб туйғуларини “Кўклам сувратлари” сарлавҳаси остида китобхонларга тақдим этган. Янгилаш, яшиланиш даврида табиат чиройидан илҳомланган ижодкор ажойиб таърифларини шеърӣ сатрларга сингдира олган:

*Зангори рўмонинг бошингда,
Наврўзим, сен яна қайтдингми?
Қўғи ҳам, қамар ҳам қошингда,
Ёшариш қўшигин айтдингми?*



Тажрибали журналист 2021 йилда катта тантана билан вилоят ҳокимлигида нишонланган матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами тафсилотларини (“Журналистларга дўппи ярашди”), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси, шоира Ҳаёт Ортиқбоева портрети-га чизгиларни (“Бахт формуласи”), отаси ҳақидаги ёдномаларини (“Учбурчак хат”), онаси билан боғлиқ хотираларини (“Онамнинг тасбиҳи”) ўзига хос маҳорат билан қоғозга тушира олганки, китобхон сатрларга шунчаки кўз югуртирмайди, муталаа жараёнида астойдил қизиқиш ва эътибор

билан берилиб, бир-бирини тақрорламайдиган фикрларни ўзича таҳлил қилади, мулоҳаза юритади.

Муаллиф “Устознинг ҳислатлари” сарлавҳали мақоласида узок йиллар “Сирдарё ҳақиқати” газетаси тахририятида фаолият кўрсатиб, рахбарлик қилиб, журналистика соҳасидаги фидойилиги билан қўплаб ёшларга ўрнак бўлган, чинакам маҳорат сабоқларини бера олган Саъдулла Бокиевнинг олий фазилатларини бир шогирд сифатида меҳр билан тараннум этган.

Китобдан ўрин олган “Юракдаги армон” сарлавҳали мақолада миллатимиз фахри бўлган Абдурауф Фитрат кизи Севара Кароматуллаҳўжаеванинг ҳикоялари, марҳум санъаткор Адҳам Абдуллаев ҳақидаги хотиралар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳим Ҳасанов билан мумтоз қўшиқчилик борасидаги суҳбат мухлисларни эътиборсиз қолдирмайди.

Бундан ташқари, вилоятимиздаги таълим жонқуярларидан бири Саодат Файзи-еванинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Садокат” деб номланган очеркни ўқиб, аввало журналистнинг каламга олишга арзигулик қаҳрамон топа олганлигидан мамнун бўлсак, бир инсоннинг ўзгаларга намуна қилиб кўрсатса арзигулик умр йўли маҳорат билан тасвирланганига ҳам иқроқ бўлаемиз.

Хулоса қилиб айтганда, китобга қиритилган мақолалар ажойиб инсонларнинг ҳаёти йўлини таништириш билан бирга ёзилиш услуби жиҳатидан бошловчи журналистлар учун муҳим ва керакли қўлланма вазифасини ўтай олишига ишонамиз.

Маҳорат мактабида йиллар мобайнида тобланиб, шу даражага етган ҳамкасбимиз Холида Пардабоевани “Оналик бахти” номли китоби нашр этилгани билан самимий кутлаб, бундан кейинги ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳасан АБДУВОҲИДОВ.



ГАЗЕТАНИНГ НУФУЗИ ОШИШИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Сирдарё вилояти ҳокимининг тегишли қарори билан тажрибали журналист Мухаммад Раҳмонқулович Исмоилов “Янги Сирдарё” ва “Новая Сырдарья” газеталари бош муҳаррири лавозими-га тайинланди.

Яқинда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг фалолар залида Мухаммад Исмоиловни янги лавозимга тайинланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда “Янги Сирдарё”, “Новая Сырдарья” газеталари таҳририяти жамоаси, республика газеталарининг вилоят бўйича мухбирлари, вилоят телерадиокомпанияси ходимлари,

шаҳар ва туман газеталари бош муҳаррирлари иштирок этишди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Носиров Мухаммад Исмоил (Исмоилов)нинг меҳнат фаолияти, ижоди ҳақида гапирар экан, у кишининг Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ижод мактаби) директори лавозимида самарали фаолият олиб боргани хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

“Халқ сўзи” газетасининг вилоят бўйича мухбири Ахмадали Шерназаров салкам 60 йилдан бери чоп этилиб келинаётган “Янги Сирдарё”

Тайинлов маросими

нашрлар каби “Янги Сирдарё”, “Новая Сырдарья” газеталари ҳам бир канча муаммоларни бошидан ўтказган бўлса-да, газеталар саҳифаларида вилоятимизда яқин йилларда бўлаётган катта ўзгаришларни, улкан яратувчилик ишларини, собиқ Мирзачўлнинг бугунги қаҳрамонлари фаолиятини баҳоли қудрат ёритиб келаётганини таъкидлади. Табарруқ даргоҳда ўз касбининг фидойилари бўлган журналистлар меҳнат қилаётгани ҳақида тўхталиб, бош муҳаррир сифатида энди иш бошлаётган Мухаммад Исмоилга ана шу ибратли анъаналарни давом эттиришида, газеталарнинг шакл-шамойилини, мазмунини яхшилашда, бугунги кун талабига жавоб берадиган тарзда чоп этилишида катта муваффақиятлар тилади.

Тадбирда сўз олган истеъдодли ижодкор Мухаммад Исмоил кўрсатилган ишонч учун вилоят ҳокимлигига миннатдорчилик билдириб, давлатимиз раҳбарининг “Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби” деган сўзлари асосида иш юритиш ҳамиша газетачилар учун дастуриаламал бўлиб қолишини, газеталарнинг вилоят ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга астойдил ҳаракат қилажагини айтди.

Х.ПАРДАБОЕВА.

Пресс-тур

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЮТУҚЛАР БИЛАН...

Сўнгги йилларда мамлакатимиз саноати салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва туманларлар ҳудудида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобида аҳолини иш билан банд қилишни кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. 2021 йил якуни билан вилоятимизда соҳа борасида ҳажмни кенгайтириш ва саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича 31та лойиҳа асосида дастур тайёрланган бўлиб, унга мувофиқ 331 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Амалда йил якуни билан 31 та лойиҳаларда 463 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилгига нисбатан 140 фоизга ортиги билан бажарилди.

Бугунги кунга қадар амалга оширилган лойиҳалар ҳисобида 635 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, маҳаллийлаштириш лойиҳалари ҳисобида импорт ўрнини босиш кўрсаткичи 43 миллион долларни ташкил этган бўлиб, 3,7 миллион долларлик 6 турдаги маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди ҳамда импорт ўрнини босиш самарадорлиги 40 фоизга ошди.

Яқинда оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ ходимлари иштирокида Сирдарё туманидаги “AWP” ва “SIRDARYO-MEGA-LUKS” МЧЖ корхоналарида вилоят ҳокимияти томонидан пресс-тур уюштирилди. Журналистлар дастлаб “PENG-SHENG” қошидаги “AWP” корхонасида олиб борилаётган ишлар билан танишишди. Мазкур корхонада 400 га яқин ишчи ўрни яратилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси юқори бўлиб, ўн йиллик кафолати билан “corperation.uz” да бўйича биринчи ўринда туради. Бундан ташқари, Хитой ва Италиядан мутахассислар таклиф қилиниб, уларнинг кўрсатмалари асосида маҳаллий корамоллар терисидан чарм ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бугунги кунда тайёр маҳсулотларни Европа бозорларига чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, корхонада Сирдарё воҳаси ҳудудида сув танкис-



лигини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш учун махсус полиэтилен плёнкалар, декор панеллар, девор ва поллар учун кафеллар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонани ташкил этиш учун 10 миллион 500 минг доллар микдорида инвестиция киритилиб, аҳолига зиён етказмаслик мақсадида шаҳардан четрокда барпо этилган.

ОАВ ходимларининг кейинги манзили “SIRDARYO-MEGA-LUKS” МЧЖ корхонаси бўлди. У ерда асосан полипропилен кадоклаш маҳсулотлари ва БИГ-БЭГ (юмшоқ контейнерлари), стрейч плёнкаси, гигиена ва тиббиёт маҳсулотлари, спанбонд-мельтблаун нотўқима мато ишлаб чиқилади. 2050 нафарга яқин маҳаллий аҳоли ва бошқа ишсизлар иш билан таъминланганини мамнуният билан эътироф этиш жоиз. “SIRDARYO-MEGA-LUKS” МЧЖ Австрия, Германия, Хитой, Россия, Украина, Қозғистон, Қирғистон, Тожикистон, Афғонистон давлатлари билан ҳамкорлик қилади.

Пресс-тур журналистлар учун самарали ва мазмунли якун топди.

Хуршида НИШОНОВА.

Суратда: иш жараёнидан лавҳа.



БЕҒОҶЧА

Хотин-қизлар саҳифаси

Халкимиз яхши - ният ярим давлат, дейди. Гулистон туманидаги “Сойибобод” маҳалласида яшовчи қўли гул чевар Жамила Аноркулова бошқа тикувчилар катори уйининг мўъжазгина бир хонасида диққинафас бўлиб, миждозларнинг буюртмаларини тикиб ўтирар экан, ширин ҳаёллар уни узоқларга олиб кетарди. “Мен ҳам тадбиркорлик билан шуғуллансам, бирор кичик цех очиб, кишлоқ аёлларига, ёшларга хунаримни

ракатларига вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, унинг туман бўлими, маҳалладагилар бефарқ қараб туришмади. Ниҳоят армонлари ушаладиган кун келди...

БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг “Давлат бошқарувида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” қўшма лойиҳаси доирасида бир гуруҳ

мос бўлган турфа гиламлар эгалламоқда. Шунингдек, турли иплардан, жундан юмшоқ ўйинчоқлар, устки кийимлар, мавсумбоп, қулай пайабзаллар яратиш бўйича ҳам бу ерда етарли тажриба тўпланган.

Ўтган йили қўқламда марказнинг расмий очилишига бағишланган маросимда пойтахтдан келган БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска хоним ўзбек аёллари чинакам кашфиётчи, қўллари гул эканлигидан хайратга тушиб, уларнинг миллий анъана ва қадриятларимизни беҳад қадрлашларига юкори баҳо берди.

Матильда хоним ушбу марказга жуда қизиқиб қолгани боис таширидан бир неча кун ўтиб, Жамила Аноркуловага кўнғирок килди ва келажакдаги режалари ҳақида сўради. У марказ раҳбарининг кишлоқ аёлларига, ёшларга кўпроқ иш ўринлари яратиш, ўзбек миллий буюмларини хорижда намойиш этиш хусусидаги фикрларини тинглар экан, келгусида уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди ҳамда лойиҳа тайёрлаш зарурлигини айтди.

Шундан сўнг Ж.Аноркулова мутахассислар билан биргаликда лойиҳани тайёрлаб, тегишли манзилга жўнатди. Дарвоқе, марказ очилишида Канада давлатининг Ўзбекистондаги консулиги вакили Эддор Маннопов ҳам иштирок этган ва ўз тақлиф ва истакларини билдирган эди. Орадан кўп ўтмай юборилган лойиҳа қабул қилиниб, қўллаб-қувватланганлиги, марказ Канада давлатининг грантини қўлга киритганлиги тўғрисидаги хушхабар келди. Янгиллик жамоа ва унинг раҳбарига қанот бағишлади гўё. Марказдаги хунар ўргатиш йўналишлари 16 тага кўпайди, янги гуруҳлар ташкил этилди.

— Грант ютганимиздан кейин фаолиятимиз янада кенгайди, — деди суҳбатдошимиз. — Шу пайтгача марказни 600 нафардан зиёд хунареманд битириб чиқди. Уларнинг аксарияти ўз иш ўринларига эга. Йўналишлар сони ортди. Жумладан, уй ҳамширалари тайёрлаш гуруҳи ташкил этилди. Ҳамшира бўлишни орзу қилган, лекин бу соҳада ўқий олмаган аёлларнинг кунни туғди. 3 ойлик ўқиш муддати белгиланди. Тумандаги олий тоифали, тажрибали ҳамширалар дарс ўтишди. Ҳозиргача 2 та гуруҳ тамомлади. Дастлабки битирувчилар оиласига, яқинларига бемалол керакли тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Айни кунларда “Юлдуз” маҳалласида ҳам марказнинг филиалини ташкил этиш ҳаракатида юрибман. Жой масаласи ижобий ҳал бўлди. Маҳалла ҳудудидаги фойдаланилмаётган эски масжид биноси таъмирланса, жихозланса, бинойидек, хунаремандлар масканига айланади. Бунинг учун имконимиз етарли. Грант лойиҳаси маблағидан унумли фойдаланаяпмиз. Бу ерда бир нечта йўналиш бўйича кишлоқ хотин-қизларига, ёшларга хунар ўргатилади. Ҳали олдинда режаларимиз кўп. Ёнимда менга суянчиқ бўладиган қизим, келиним, шогирдларим бор экан, албатта, ниятимизга етамиз.

Хунареманд ва тадбиркор Жамила Аноркуловга келгуси ишларида омад тилаб, хайрлашдик.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Сурагча: хунаремандчилик марказида машғулот жараёни.

Аҳолини рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган саволномалар хусусида.

Аҳолини рўйхатта олиш орқали фақат аҳоли ҳақидаги маълумотларни эмас, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таркиблари ҳақида маълумотларни олишга муваффақ бўлинади. Аҳолини рўйхатта олиш саволномасида фақат демографик маълумотларни йиғиш билан чегараланиб қолмайди. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш саволномаси аҳоли сони, ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги каби бирқатор кўрсаткичлардан ташқари яшаш шароити, даромадлар манбаи ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳамдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида Аҳолини рўйхатта олиш умуман ўтказилмаган бўлиб, мазкур тадбир илк маротаба ўтказилаётганлигини инобатга олиб, тадбирга пухта тайёргарлик қўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида 2023 йилга ўтказиш белгиланди. Сўнгги марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Аҳолини рўйхатта олишнинг муваффақиятли чиқиши аҳолини рўйхатта олиш давридан ушбу саволномадаги саволларни мазмун-моҳиятини тўғри тушунганлик даражасига боғлиқ. Ҳозирда Республикамиз бўйлаб тушунтириш ишлари маҳаллий матбуот, радио ва телевидения орқали, умумтаъмактаблари, олий ва ўрта махсус таълимда ва ташкилотларда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкиллаштириш ёки кўргазмали ташвиқот ишлари орқали амалга оширилмоқда.

Вилоят Статистика Бошқармаси
Рўйхатга олиш жараёнидаги ташкил этиш
ва ўтказиш бўлими бошлиғи Р.Абдусамиев

ЮРАККА МУҲРЛАНГАН ХОТИРА

Ижодкорнинг ўзига хос инжикликлари, эркаликлари бўлиши рост гап. Бўлмаса ёшим эллика боради-ю саксондан ошган дадамни худди ёш қизалоқдай далага етаклаб бораманми? Ям-яшил далалар бағридаги лолакизгалдоқлар гиламдек ёйилган. Эртақлардаям бундай гўзал манзарани топиш амримаҳол. Зоминда қўқлам бошқача бўлади-да, борлиқ зангори рангларга бурканиб олган, она табиатнинг эрка келини-қўқламоё бор сепини қизганмасдан атрофга ёйиб ташлаган қизгалдоқлари, лолалари, чучмоллари, турфа баҳор чечаклари... Уларни қўриб, кўзинг қувнайди, бу оламдан асло кетгинг келмайди, ҳамма гау тапвишларингдан қандайдир фурсатлар қутилсан, вужудинг ором олади.

— Дадажон, оёқиянғ бир мана бу яшилликларни айланиб келсам, майлими?

Кексалик ўз кучини кўрсатиб, қадди-лари сал букилган меҳрибонимнинг кўзларига ташвиш оралайди:

— Майли-ку-я, шамоллаб қолмагин, кизим. Ернинг усти қизиб тургани билан захи бор.

Болаларча чопқиллаб зангори рангларга қўмиламан, кучоғим тўлуғича қизгалдоқлар, чечаклар тераман, табиатнинг ифориға қонаман. Қанийди шу манзара доимо шундай сакланиб турса. Ҳозиргидек суянч тоғларинг-ота-онанг умрбод ёнингда юрипса. Ҳаёт тапвишларидан чарчаганинда, турмуш азобларидан безганинда, хиёнатлардан дилинг эзилганида уларнинг кучоғига ўзингни қангугу болаликка қайтиб қолсанг. Эҳ, бу орзуларим, тоза тилақларим-а. Ахир табиатнинг биттамас, нақд тўртга фасли бор. Баҳорнинг гўзаллигидан баҳрамандлик ҳам ўткнчи умрга, оқар сува ўхшайди, худди ўзидек ёқдмили шамоли каби ўтади-кетди.

Дадажоним ҳам мендан кам завқланмаганга ўхшайди, қўлларига бир даста чучмома, дала гуллари.

- Зоминдаги бу гўзалликлар бошқа ерда йўқ, қизим. Бир марта бўлсам бу ҳаводан баҳраманд бўлсанг, йил бўйи тетик юрсан. Қишлоқнинг ҳавоси одамга куч-қувват берибгина қолмасдан яхшиликларни кўнглига тўлдирди.

Ўй Аллоҳим, ана-мана деб ўзинг берган ироданг, сабру қаноатинг, ўтли айрилиқларинг билан ўн баҳорни дадамсиз кўрдим. Ҳар гал қўқламда кишлоққа бораман, ўша таниш, дадажонимнинг муборак қадамлари етган қадрдон далалар ҳамон ям-яшил. Қўқлам сепини ёйган, лолалар, қизгалдоқлар кип-қизил алвон гиламдек ёйиб туради, осмон ўпандек тиник. Қуёш ҳамон ўпандек чарогон, ҳаволар мусаффо. Бутдўзорлар ичида, яшил майсазор ора-лаб боладек югураман, нимадир етишмайди, тўлиб-тўлиб йиғлагим келади. Дадажон, биладан, шу ердасиз, кишлоқнинг баҳори билансиз. Инсон ўлгани билан руҳи ҳаммаша тирик, бизнинг ёнимизда, дуоларингиз билан биргасиз, ўзингиз шундай дегансиз, тўғрими?...

Норинисо ҚОСИМОВА.



Гулистонда бир марказ бор...

ўргатсам, янги моделларни яратсам, мен ва шогирдларим тиккан миллий буюмларнинг доврўғи бутун Ўзбекистонга, жаҳонга ёйилса... дея орзу қилардию, бу иш қўлидан келиш-келмаслигига ўзи ҳам ишонмасди”. Лекин Жамила ана шу армонни юрагининг тубида саклаб қўярди.

2017 йили сентябрь ойида Жамила шогирди билан Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган “Атлас фестивали”га борганида республикамизнинг турли вилоятларидан келган қўли гул чеварлар, дизайнерлар, бетакрор миллий буюмлар тайёрлайдиган хунаремандларнинг кўргазмаларини қўриб, роса ҳаваси келганди. Ушанда кўнглидаги армон йилт этиб, учқунлагандек бўлди. Тўғрироғи, кўрганлари унга туртки бўлди. Лекин Жамила ана шу армонни юрагининг тубида саклаб қўйди. “Булар ҳам мен каби аёллар-ку, улардан нимадир кам, тикиш қўлимдан келади, фақат бироз изланишим, ҳаракат қилишим керак”, дея ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Чунки ўшанда у фестивалга ўзи олиб борган беш-олтита куракли ёстиқ-жилд, бир-иккита миллий либослар билан кўпчиликини хайратга солиб бўлмаслигини англаб етганди. Фестивалдан қайтар чоғида Жамила, “Аллоҳ насиб қилса, кейинги сафар албатта, Сирдарёга хос энг яхши миллий буюмлар билан келамиз”, деган ният билан уйига қайтди. Орада у пойтахтимизда ва юртимизнинг бошқа шаҳарларида ўтказилган хунаремандлар анжуманларида, кўргазмаларда ҳам қатнашиб, кўзи пишди, тажрибаси ошди, энг муҳими, ниятнинг ўзи етарли эмаслигини, тинмай ҳаракат қилиш, олдинга интилиш кераклигини тушунди. Турли эшикларни қокди, мақсадини тушунтирди. Ким тушунди, ким тушунмади, бошидан ўтганини ўзи билади. Унинг сабй-ҳа-

тадбиркор аёллар грант асосида ўқув марказлари очишди. Жумладан, Гулистон туманидаги Аҳмад Яссавий номи МФЙ биносида Жамила Аноркулова раҳбарлигида 10 та йўналиш бўйича хунаремандчиликка ўқитиш ва ўргатиш маркази иш бошлади. У ердаги кенг қўламдаги ишлар, жумладан, тумандаги юзлаб хотин-қизлар, айниқса, ёшларнинг касб-хунар ўрганишлари, иш билан банд бўлишлариға имкон яратилди. Зардўзлик, гиламдўзлик, дўппидўзлик, каштачилик, либослар бичиш-тикиш, тўкишдан ташқари заргарлик, янги йўналиш саналган эко дизайн йўналишига ёшларнинг қизиқишлари катта.

— Энг муҳими, турли йўналишлар бўйича ўқув курсларини тугатганлардан бир қисмини марказимизда ишга олиб қолдик, — дейди Жамила Аноркулова. — Қолганлари ўзлари мустақил иш бошлашди. Демак, шунча аёллар, ёшлар ишли бўлишди. Ҳамма хоналардаги жихозлар қўшма лойиҳа асосида ажратилган грант маблағи эвазига келтирилди. Гилам тўкиш дастгоҳини ўзимиз сотиб олдик. Уни гиламдўз қизларимиз тезда ўзлаштириб олишди. Заргарлик янги йўналиш саналади. Бу жездан ёки бошқа оддий хом ашёдан тақинчоқлар ясаш дегани эмас. Умид Орзиев ёш бўлса ҳам бу хунар сирларини пухта ўзлаштирган, яъни профессионал заргар уста. У олтин ва қумушдан ясаган заргарлик буюмларининг харидори кўп. Заргар йиғит киска вақтда шогирдлар ҳам тайёрлади.

Мохир гиламдўз Гулнора Гуломсолиева кизи Моҳигул Маҳкамова билан бир неча аёлларга гилам тўкиш сирларини кунт билан ўргатиб келмоқда. Дастлабки оддий нақш, турли ҳажмдаги гиламлар ўрнини бугунги кунда шарқ ва европача нусхадаги, харидор талабига



**Кел, эй, сайёҳ, юртимга боқ,
Ажаб ҳайратларга чулган.
Кўз билан кўргин, бўл гувоҳ,
Ки, бир юртдир бахти кулган.**

Кел, эй, сайёҳ! Мен сени юртимга чорлаётirman. Келавер, кайси тилда сўзламагин, сенга ўзим тилмочлик киламан. Бизда меҳмон чорлаган одам турар жойининг у ёқ-бу ёғини уялмайдиган қилиб тузатади, зеб беради. Киши кўзи тушадиган жойларга оро беради, ҳозирлигини кўради. Бугун мен юртимнинг ҳар бир гўшасида ҳеч бир ийманмай, фахр билан меҳмон кута оламан.

Сайёҳ, сен Сирдарё воҳасига, Гулистонга кел. Неча минг ёшга кирган шаҳарлар бор. Қадимлигини аниқлаш борасида қадимшунослар баҳслашаётганлари канча. Ўша шаҳарлардаги мўъжизаларни кўришга отланаётган сайёҳларнинг ҳисоби йўқ. Аммо бугун энг навқирон шаҳарда ҳам ҳайратлантирадиган мўъжизалар бор.

Кечаги эски деворлар бузилиб, ўрнида кўп қаватли муҳташам бинолар қад кўтарса, ўйдим-чукур, бир ёқлама йўллар ҳафта ўтмай икки тарафлама кенг, равон йўлларга, унинг бўйлари гулзорга, гулхонага айланса, ҳайратланарли эмасми?

Шаҳримизда юлдузли, замонага мос меҳмонхоналар кўп. У ерда қолдирмайман, сени уйимга олиб бораман. Меҳмондўстлик бизга ота мерос. Йўл-йўлакай шаҳримизнинг ўтмишини сўзлаб бераман. Бу ер чўлнинг қоқ юраги эди, десам, ишон. Боболарим, оталарим эккан чинорлар бунга гувоҳ.

Инсон учун туғилиб, ўсган гўшасидан азиз маскан йўқ. Гулистон бизни аллаган бешик, ўйнаб қувнаб ўсган кўрғонимиз. Унда боболаримиз, оталаримизнинг оёқлари ботқоққа ботган, қўлларини қамшилар тилган. Кундузлари чивин, кечалари пашша кўз очирмаган. Бу ердаги биттагина қудуқдан ҳам шўр сув чиққан. Уни Аччиққудуқ деб аташган. Сўнг Мирзачўл дедилар. Кейин эса номда ҳам қаромат борлигига ишонган эл нияти Гулистон деган атамада жамланди.

Гулистонликлар танти, саховатпеша. Бозорларида нархлар ҳамиша ҳамёнбоп. Истиклолнинг ҳаётбахш нури бу шаҳарнинг ҳам ҳар қаричида жилоланиб туради. Юртбошимизнинг 2015 йилнинг мартдаги қутлуғ ташрифидан сўнг шаҳримиз ҳаётида улкан ўзгаришлар бошланди. Муҳтарам Президентимиз эътиборни шаҳардаги энг ўтқир, энг муҳим муаммоларга қаратди. Уларни қандай ҳал қилиш чора тадбирларини баён этди.

Бизниқига “Дўстлик” канали оша ўтиб борамиз. Шаҳардан ўтувчи канал ихоталанмагани учун атрофни захлатиб турарди. Сизот сувлар юқорига кўтарилиб, кўп қаватли уйларнинг ертўлаларини сув босишга, туриб қолган сувларда пашша, чивинларнинг қўпайишига олиб келарди. Сизот сувларининг юзага чиқиши экин майдонларининг шўрланиб, ҳосилдорлигининг қамайишига ҳам таъсир кўрсата бошлаганди. Президентимизнинг 2015 йил 9 мартдаги “2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини қамайтириш,



муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги фармойишидан сўнг Гулистон ҳаётида янги саҳифа очилди. Шаҳардан ўтувчи канал тубига тазаланиб, 15 сантиметр қалинликдаги сув ўтказмайдиган қимёвий қўшимчалар аралаштирилган мустаҳкам бетон билан ихоталанди. Қизғин қурилиш жараёнига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. 110 дан ортиқ турли механизмлар, 70 та автосамосвал, 20 та экскаватор, 12 та бетон ташувчи миксер, 10 та бульдозер, 4 та автокран ва 500 нафардан ортиқ ишчи-техник ходимлар ғайрат билан меҳнат қилиб, қисқа муддатда ишни якунига етказишди. Канал қирғоқларига ҳам бетон йўлақлар ётқизибли, икки ёнига турли манзарали дарахтлар экилди. Бугунги кунда мутахассислар ер ости сувларининг 1,5 метргача пасайганини маълум қилишмоқда.



Гулистонда ҳар куни бир ўзгариш. Қисқа муддатда кўп қаватли замонавий уйлар бунёд этилмоқда. Шаҳарда янги муҳташам бозор қурилиб, ишга туширилган. Деярли ҳамма кўчалар кенгайтирилиб, реконструкция қилинмоқда.

Вилоятимиз маркази янги бўлди, бўлаётир. Янги бўлганида ҳам замонавий, дунёнинг энг гўзал шаҳарлари билан бўйлашадиган. Мустақиллик майдони, Хотира майдони, тижорат банклари, биржа ва бизнес марказлари, “Маънавият ва маърифат” маркази, кемпинг тизимидаги мажмуа, замонавий вокзал, “Алпомиш” спорт мажмуаси, марказий ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси ва бошқа спорт мажмуалари қаторига яна янги-янги иншоотлар қўшилаётир. Ҳар бир қаричи гулзорга айланмоқда. Бунда бутун гулистонликларнинг меҳри, меҳнати мужассам. Шаҳримиз Ўзбекистон аталмиш бекиёс бўстонининг бир парчаси, бир гулистони. Қуёш томчида акс этганидек, юртимиз жамоли унинг ҳар гўшасида жилваланиб туради. Буларнинг барини ўз кўзларинг билан кўрасан.

Ҳаёт манбаи Сирдарёнинг бир қисми бизнинг воҳамиз ҳудудидан оқиб ўтади. Дарё бўйига боришимиз мумкин, балиқхўрлик қиламиз. Дарё бўйидаги маҳаллаларда сайёҳлар учун меҳмон уйлари ташкил этилапти. У ерда миллий урф-одатларимиз,

миллий таомларимиз билан таништираман. Ўзбекистоннинг меҳмондўстлигига гувоҳ бўласан. Истасанг, Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатимизни давом эттирамиз. Сардобага олиб бораман. Йўл-йўлакай бемисл қурилиш ишлари, бепоян далаларимизда ризқ-рўз етиштираётган деҳқонларимизнинг фидойи меҳнатларини кузатиб борамиз. Мустақиллик йилларидаги бемисл ўзгаришлар, ислохотлар ҳақида уларнинг ўзларидан эшитасан. Деҳқонларимиз етиштираётган ноз-неъматлар бугун дунёнинг турли бурчақларига етиб борапти. Истиклол шарофати билан биз ғалла мустақиллигига эришдик. Ўтган йили ғалла хирмонимиз баракали бўлди. Омборларимиз донга тўлди.

Қаршингдан гўзал бир шаҳар чиқса, ҳайрон бўлма. Бу инсон қўллари билан барпо бўлган Сардоба. Катта уммон — Сардоба сув омбори ҳақида албатта, биласан. Бошимизга улкан бир синов тушди. Жиззах ва Сирдарё — икки вилоят деҳқонлари мана шу сув захираси туфайли сув тақчиллигини билмай келарди. Техноген ҳалокат бу ҳудуддагиларни шошириб қўйди, бесаранжом қилди. Бироқ, Президентимиз шу заҳотиёқ воқеа жойига етиб келди, халққа ҳамдард бўлиб ёнида турди. Қўрилган тезкор чоралар туфайли катта ҳалокатнинг олди олинди. Шу ҳодиса сабабли халқимизнинг, қардошларимизнинг бирлиги, бирдамлиги яна бир қарра намоён бўлди. Қаршимиздаги мана шу шаҳар ана шу меҳру муҳаббатнинг кўриниши. Авваллари қишлоқ аҳолиси фақат деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган бўлсалар, эндиликда юртимизнинг чекка жойларига ҳам саноат кириб келаяпти. Ҳар ким

ўзи етиштирган хомашёни тайёр маҳсулот даражасига етиштиришгача бўлган илмни эгаллаб олмақда.

Истасанг, кейинги куни Ховос томонга йўл оламиз. “Ховостепа” тарихий ёдгорлиги билан таништираман. Вилоятимизнинг энг чекка ҳудуди қандай чирой очганини кўрасан.

Ўтмиш билан истиқлол йилларини солиштирсак, ер билан осмонча фарқ бор. Ўзгаришларни сўзлаб, адоғига етиш қийин. Турмуш тарзимизда, иқтисодиётимиздагина эмас, маънавий-маърифий, спорт ва бошқа турли соҳалардаги юксалишларнинг ҳар бири алоҳида мавзу.

Эй, сайёҳ, ўзгараётган Ўзбекистоннинг Сирдарёсига кел. Ўзим тилмоч бўламан. Аниқроғи, бундай ўзгаришларни ўз кўзларинг билан кўргач, ҳеч бир изоҳга ҳожат қолмайди. Чамаларни, бўстонларни, бир пайтлар чўл бўлган жойда ўсаётган арчаларни, каштанларни, япон сакураларини, энг муҳими юзларида бахт балкиб турган нурли чехраларни суратга ол! Бахт ва бахтиёрликни, Ватаним жамолини бутун дунё кўрсин.

Кел, эй, сайёҳ, келавер...

Баҳор ХОЛБЕКОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

VAQT QADRI



ХАР ОН(НИНГ) ҚАДРИН БИЛ(САК!)...

Азалдан инсонларни ўйлантириб келган ва ҳамиша етишмаган, (азалдан) нимагадир етмай қолган ВАҚТ бугунги давримизда ҳам инсонларни ўйлантираётган муаммолардандир. Биламизки, вақт ҳеч қачон кутиб турмайди. Бизга тегишли бўлган барча нарсаларни вақт доирасида топамиз ёки йўқотамиз.

Бирок биз ҳамиша вақтнинг қадрига етмаймиз. Вақтнинг ортга қайтмаслигини биламиз. Шундай бўлса-да ҳамиша вақтдан унумли фойдалана олмаймиз ёки фойдаланмаймиз. Умримиз мана шу азиз ва қимматли бўлган “мулк”ни совуриш билан ўтади, десак, муболаға бўлмайди. Бу борада ёши улўғлар аксарият ҳолларда ёшларни айблаб келадилар. “Ҳозирги ёшлар вақтнинг қадрига етмайдилар, ҳаммаси ўйинқароқ, китоб ўқишмайди, илм-маърифатдан вақтини қизғанишади, бизнинг давримизда бунақа имкониятлар бўлмаган”, дегандай. Бу фикрлар худди

авлодлар эстафетасига ўхшайди. Негаки, қадимги юнон файласуфлари Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқалар ҳам бундан уч минг йиллар аввал ёшлар ҳақида юқоридаги каби фикрларни баён этиб кетганлар.

Инсон вақтнинг қадрига етмаслиги ёки буни кеч англаб етишини қуйидаги мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қиламиз.

“Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш қабидир”, — дея ёзилган ҳадисда. “Инсон наслининг аксарият қисми эса ёшлик даврини (хали улгураман, деган мақсадда) илм олиш учун эмас ўйин-кулгу билан ўтказишга ҳаракат қилади. Ҳали илм олиш учун вақт бор, деймиз... Лекин ўша вақтда бундай имконият бўлмас (ёки биз бўлмаслигимиз мумкин)лигини ўйлаб кўрмаймиз. Бу жиҳатни ҳар биримиз ёшимиз улғайгандагина сезамиз ва ёшларнинг онгига юқоридаги фикрни сингдиришга ҳаракат қиламиз.

“Вақтинг кетди – нақдинг кетди”. Одам табиатан қизиқ яратилган — бойлигини йўқотса, хафа бўладию умри зое кетаётганига эса парво қилмайди (Абул Фароҳ).

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув даврида ҳар соҳада ва ҳар жабҳада илм олиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўп ва етарли имкониятлар бор. Аждодларимиз лозим бўлса, дунё кезиб илм сарчашмаларини ўрганган. Бунинг натижасида икки бора уйғониш даврини вужудга келтириб, жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшиб, бугунги замонавий илм-фаннинг асосини яратиб берганлар. Шундай экан, бундай имкониятлардан унумли фойдаланмаслик, вақтимизни бемақсад, яъни илм учун, маърифат учун эмас, бошқа ҳавои нарсаларга сарфлаб, ғафлатда ўтказиб юборишимиз “маънавий сўқирлик”дан бошқа нарсаси эмас.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаолияти, илм олиши, ўрганиши, нимагадир эришиши вақт нуқтаи назаридан амалга ошади. “Вақт бизнинг энг арзон ва айни вақтда энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсасига эришамиз”, деган эди Я.Райнис.

Ҳанимат дамлардан оқилонга фойдалана олган киши нимагадир эришади. Кун келиб, ҳар нарсанинг ҳисоби бўлгани каби инсон ўз умри сарҳисобини қилади, албатта. Ўша вақтда ортга назар ташланганда нима қилганимиз, нима қилмаганимиз, ортимизда нима қолаётганлиги ҳисоби учун афсусланмаслик (мультифилмдаги ҳўтикча каби) учун қимматли ҳар бир оннинг қадрига етайлик.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Оқолтин туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

ЭНДИЛИКДА ХАРИД ЧЕКИНИ ОЛГАН ИСТЕЪМОЛЧИ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ТОПАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 октябрда қабул қилган “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори иқтисодиётда хуфийна айланиши қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилишда яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Солиқ тизимида



Бюджетга кўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва харид чекининг фискал белгисини солиқ органларининг махсус “Soliq” мобил иловасида матрицали штрих код — QR-код ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларнинг банк карталарига ҳар ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилиб берилмоқда.

— Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида вилоят давлат солиқ органлари томонидан тарғибот-тушунтириш ишла-

ри олиб борилмоқда, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Рустам Абдуқодиров. — Ҳозирги кунда вилоятда 3758 та чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритяпти. Худуддаги бозорлар, йирик савдо мажмуалари, аҳоли гавжум жойларда баннерлар ўрнатилди. Савдо расталарига онлайн назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари ўрнатилиб, уларнинг ишлаши назоратга олинган. Солиқ ходимлари бундай тадбирларда нафақат истеъмолчилар, балки сотувчилар, тадбиркорларни ҳам зиммаларидаги мажбуриятларни ҳис этишга чорляпти. Савдо-сотиқ қоида-

ларини бузишга нисбатан жавобгарлик муқаррарлиги эслатиб ўтиляпти.

— Илгари дўконлардан бирор маҳсулот харид қилганимда чек сўрамасдим, бунга эътибор ҳам бермаганман, — дейди харидор Гулбаҳор Одилова. — 1 фоиз кэшбек ҳақида эшитгач, бунга қизиқиб қолдим. Энди дўконларга кирганимда олган маҳсулотим учун чек олиб, уларнинг QR кодларини “Soliq” мобил иловаси орқали сканерлаб, рўйхатдан ўтказяпман. Бу менга, албатта, қўшимча пул маблағи олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, қарор ижроси натижасида истеъмолчилар қўшимча даромадга эга бўлишади. Савдодаги товар айланишининг шаффофлиги таъминланади, ҳажми ошади, маҳаллий бюджет тушуми кўпаяди. Шунингдек, норасмий иш ўринлари легаллаштирилади, фуқароларнинг моддий манфаатлари ҳимоя қилинади, меҳнат шароитлари яхшиланади. Шубҳасиз, бюджетга тушган маблағ ижтимоий соҳалардаги муаммолар ечимига, “Обод маҳалла” давлат дастури ижросига, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилади.

Ҳусан ИСОҚУЛОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси бош илҳисектори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Фуқаро Мингбоева (Бекбаева) Зайнаб Жаҳангировна номига Гулистон давлат университети томонидан 2009 йилда берилган В 439809 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Каримжонов Мохинур Олимжон кизи номига Гулистон шаҳар 9-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда берилган УМ 0596625 рақамли аттестат (шаҳодатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Фатхуллаев Зиёдулла Хайруллажон ўғли номига 2-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2020 йилда берилган К 5961557 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Иброҳимов Абдурахмон Абдумавлон ўғли номига Мирзаобод технология (аввалги Мирзаобод ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежи) техникуми томонидан 2015 йилда берилган К 3506673 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Эрматова (Абдуллаева) Уғилой Холиқуловна номига Нодира номли Гулистон педагогика коллежи томонидан 2003 йилда берилган 084463 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Хатамов Улуғбек Ниязбекович номига Боёвут туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1986 йилда берилган 199725 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Эргашева (Раҳимова) Фарида Абдусатовна номига Гулистон шаҳар 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1997 йилда берилган ОР-Д 038918 рақамли гувоҳнома (шаҳодатнома) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Хонимкулов Илҳом Жумабой ўғли номига Янгиер тиббиёт коллежи томонидан 2019 йилда берилган К 5603648 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Абдуллаев Бекзод Абдужалил ўғли ўғли номига Ховос туман 1-сон касб-хунар (аввалги Ховос транспорт касб-хунар коллежи) мактаби томонидан 2020 йилда берилган К 5906071 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Мамадқулов Илҳом Абдугапарович номига вилоят болалар ўсмирлар (футбол маҳорати мактаби) футбол (аввалги Янгиер болалар ўсмирлар футбол мактаб интернати) академияси томонидан 2003 йилда берилган О'Р-А 1449906 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Бекпулатов Шерзод Равшанбекович номига вилоят ИИБ бошқармаси Молиявий таъминот хизмати Пенсия таъминот бўлими томонидан 2018 йилда берилган 2848 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Султанова (Юнусова) Мунира Даур кизи номига Оқолтин санот (аввалги Оқолтин ижтимоий иқтисодий касб-хунар коллежи) техникуми томонидан 2011 йилда берилган К 0136144 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Юртимга мактуб

Майсангман ер-у тошни ёриб чикқан,
Сенинг нурли юзинг кўрмоқлик учун.
Умрбодга асрагин деб, корачикка
Ашёр битган поклик учун, оклик учун.

Бу окликни зулматларга ёйиб ташла,
Мехр билан тўлдиргин сен ғамдунёни.
Белни боғлаб, тайёр турар бугун ёшлар,
Кўмаклашмоқ учун куйиб, ёниб.

Бағрингдан қўймагин, Онажон Ватан,
Мехринг уммонида чўкяпман, қара.
Куткармагин асло, чўкиб кетайин,
Шул онда колмасди юракда яра.

Орзум, баландпарвоз мактовлар эмас,
Орзум, байроғингда бўй дунёни.
Кучоғингдан ҳеч қўймасанг бас.
Сени борим Онам деган ҳар оним.

Орзум, байроғингда бўй дунёни...

Бобо, кетмон билан дўст тутиндинг Сен,
Чарчамадинг силаб-сиппаб парча ерни.
Оёғинг ўпар тошлар, тупрок йўллар,
Эрта баҳор гулларида ташаккурни.

Бу йўлларнинг чеки асло кўринмайди,
Ҳар қадаминг гуллаб кетмиш армонлари.
Бу йўлдаки, сенга тиргак фарзанд эмас,
Ҳасса бўлди, дард кўтарган - мужгонларинг.

Тилда сўз куртаклаб, бобо, деганда
Қўлимга кетмонмас, тутказдинг қалам.
Тун бўйи юрагим кучуклар ғажиб,
Қалам садоқатни қилмоқда талаб.

Бугун ташқарида кутмоқда қакшаб
Совуқдан ёрилиб кетажак кетмон.
Битта кетмончалик бўлолмадик-а,
Буюк ва қаварик қўлларинг ўпган?!

Ёғоч ҳасса олмиш тиргак ўрнини,
Битта кетмончалик бўлолмадик-а?!..

Зулхаё МИНГБОЕВА,
Халима Худойбердиева номидаги
Ижод мактаби ўқувчиси.

ҚАРҒИШ

Қассобнинг дунёдан ўтганини эшитиб, йўлга тушдим. Унчалик ҳам катта бўлмаган кишлоғимизда биргина гўшт дўкони бор. Ҳозир дўконни қассобнинг болалари юртади. Сабаби, қассоб қариб, гўшт чопишга ярамай қолганди. Ишлаган кезларида ҳам одамларнинг ундан кўпам ичи илимаган. Шу топда қассоб билан бўлган бир воқеа ёдимга тушди.

Қўшнимиз Муслима момо менга қассобдан меҳмонлар учун гўшт олиб келишни тайинлаганди. Қассоб берган гўшт унчалик ҳам яхши эмасди. Аниқроғи, ҳар доимгидан ҳам суяги кўпроқ эди. Момо гўштни кўриб, индамади. Фақат охиста эшитилар-эшитилмас: “Тикилиб ўл”, дея қарганди.

Таъзияда одамлар орасида бир-бирига қассобга нима бўлибди, деган савол назари бор эди. Шунда кимдир:

— Овқатдаги суяк синиги томоғига тикилиб қолибди, у ёғи қаричилик, — деди.

Мен ток ургандек қотиб қолдим..

ДЎСТ

Дўстим Шохрух билан хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида бирга ўқидик. Кейинчалик шу йўналишда олийгоҳда. Ўн йил ҳамхона бўлиб, бирга яшадик. У ёлғиз онаси билан тоғасиникида турарди. Отаси ҳақида ҳеч қачон гапирмаган. Мен ҳам сўрамаганман. Ёзги таътил кезларида кўпроқ бизникида юрарди. Судек оппоқ ёз тунларида ишқом остидаги ёғоч сўрида юлдузларга термулганча ўсмирликнинг афсонавий орзулари билан яшардик. У отасиз ўсгани, ёлғиз фарзанд бўлгани учунми, дўстлик, садоқатли дўстлар ҳақида кўп гапирарди. Сухбатларимиз баъзан чин дўстларнинг

қиймат кунда Оллоҳнинг раҳматини топганлиги ҳақидаги афсона ва ривоятлар билан якун топарди. Кейин биз ҳам бир-биримизга шундай дўст бўлишга сўз бериб, уйкуга кетардик. Олийгоҳни тамомлаб, мен кишлоққа қайтиб, мактабда инглиз тилидан дарс бера бошладим. Негадир уни олийгоҳдан тўғри хавфсизлик хизматига ишга олишди. Энди биз тез-тез учраша олмасдик. Лекин у ҳар йили ёзда, таътилга чикқанида бизникига келиб, сўрига жой солдирарди. Бу орада иккимиз ҳам уйланиб, оилали бўлиб кетдик. У ҳар сафар келганида мени мактабдан чиқариб, биронта “ёғлирок” ишга ўтказиб қўйишини айтарди. Сухбатларимизга гувоҳ отам:

— Чин дўстлик ҳеч қачон манфаатлар негизиде яшай олмайди. Дўстликнинг асл моҳияти ҳам шунда, — дея мени унинг таклифларига кўнишимга унамасди.

Йиллар ўтиб, ота-онам вафот этдилар. Ўзим соғлигим туфайли нафақага чикдим.

Энди Шохрух ҳам истеъфода, тадбиркорлик билан шуғулланарди. Шифохонага кўриниш мақсадида шаҳарга тушдим. Бу тун унинг ховлисида қолиб, ташқаридаги сўрида дўстим билан сухбатлашиб ётишни ният қилдим. Шундай бўлди ҳам. Фақат энди унинг гурунглари хизмат даврида қилган ишлари, топган бойликлари ҳақида бўларди. Мен эса унинг болаликдаги садоқат, муҳаббат, чин дўстлик ҳақидаги афсона ва ривоятларга тўла сухбатини соғинган эдим.

Шохрух нима бўлганда ҳам менинг чин дўстим. Отам айтганидек, бизнинг дўстлигимизда манфаатлар бирлиги йўқ...

ОНА

Маматқул домланинг икки ўғли бор. Кичиги сал ўжарроқ бола бўлди. Ўзи билан онасининг ҳай-ҳайлашига қарамасдан пул топаман, деб Россияга кетиб қолди. Бир йилдирки, на хат, на хабар бор. Ўзи-ку дастлаб мусофирчиликни кўрса, эси кириб қолар, деб кўпам қайғурмаганди. Энди эса... Бирок хотини шу бир йил ичида ўзини анча олдириб қўйди. Ҳафта олдин кўчадан бир гап топиб келди. Сурхонда бир эшон бор эмиш. Бахти очилмаган кизларнинг бахтини очармиш. Йўқолган мол борми, ўғлига ўхшаб бедарак кетганлар борми, тутатки билан уйига чакиртирармиш. Энди шунга борамиз, деб туриб олган. Сурхон қайда, бизнинг Бахмал қайда, озмунча йўлми...

— Дадаси, чўпоннинг ўғли Нодиржон сўраб келибди. — Хотинининг овози муаллимнинг хаёлини бўлди.

— Ўртоғим телефон қилиб турибдими? — Ўзини яқин олиб минг истиҳола билан гап бошлади Нодир. — Домла, етти эшикка кирдим, сизники саккизинчиси, хабарингиз бор, онам бир йилдан буён бетоб ётибдилар. Кеча яна оғирлашиб қолди. Шифохонага олиб бормасам бўлмайди. Оши ҳалолга (пода пули) ҳали бирон ҳафта бор. Бирон миллион бериб турсангиз, қайтарардим, — дея йигит оғир хўрсинди.

Муаллим пиёлага чой қуяётган хотинининг кўзларига зимдан тикилди. Унинг кўзларида ўғлининг синфдоши Нодирни кўриб соғинч ҳислариданми, икки томчи ёш қалқди. Ўзида оналик меҳри йийди. Домла тоқчада турган кеча олган ойлигидан бир миллион сўмни санаб, хонтахта четига қўяр экан, онангизга Оллоҳ шифо берсин, — дея бошқа гап айтмади.

Нодир пулни олар экан: — Албатта, қайтараман, бу яхшилигингиз мендан



қайтмаса, Худодан қайтсин, — деб миннатдорчилигини яшира олмади.

Маоши икки миллион эди, бир миллион қолди. Индинга Сурхонга бориши керак. Хотинига ваъда берган. Нодирни кузата туриб шуларни ўйлаб турган муаллимнинг телефони чакирик бера бошлади. Жавоб тугмасини босганида экранда ўғлининг сурати кўриниб...

— Дада, дада, яхшимисизлар? Уйдагилар яхшими? Мен соппа-соғман, сизларни соғиндим. Бир муддат, “кидала”га тушиб қолдик-да, телефонни оиймга беринг! — деган ҳар доимгидек шўх-шодон овоз тараларди.

Тонгда муаллимнинг хотини уйда қолган бир миллион сўм пулни олиб, чўпонникига жўнади. Буниси энди эҳсон эмиш. Ҳа-я, Сурхонга энди бормайдиган бўлди...

Фарход ЎРОЛ,
Сардоба тумани.

ОБУНА—2022

Вилоятимиз ва республикаимиз ҳаётидан хабардор бўлиб туриш учун албатта, ижтимоий-сиёсий ҳафталик бўлмиш “Янги Сирдарё”- “Новая Сырдарья” газеталарининг ўрни бекиёс. Шундай экан, биз мамлакатимиз келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир

ДИҚҚАТ! ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҳамюртимизни обуна бўлишга чақирамиз. Нафақат ном, балки ташки кўриниш, мазмун-моҳияти билан ўзгараётган газетамиз обунаси сизларни бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.

Газеталарнинг 11 ойлик обуна баҳоси:
“Янги Сирдарё” — 432.000 сўм.

“Новая Сырдарья” — 216.000 сўм.

Сиз таҳририятнинг ўзида ёки жойлардаги вакилларимиз орқали обунани расмийлаштирган вақтингизда ушбу нархларда обуна бўлишингиз мумкин.

Шошилинг, имкониятни бой берманг!

**Янги
Сирдарё**

**Муассис:
Сирдарё
ВИЛОЯТ
ХОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир:
Мухаммад ИСМОЙЛОВ**

2020 йил 25 июнда Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги Сирдарё вилояти
бошқармасида 10-023 рақами билан рўйхатга олинган.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона: (67)225-21-05, ўринбосар: 225-11-14,
бўлимлар: 225-01-92, 225-01-67, 225-26-53, 225-12-59,
Реклама ва эълонлар: 225-15-07.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газета «Янги Сирдарё» таҳририяти компьютер марказида
териблиб, саҳифаланди. А3 форматда, 12 саҳифада 3 босма
табоқ офсет усулида «PoligrafyaAiK» I.Ch.Sh.К.да
1455 нусхада чоп этилди.
Босмахона манзили: Гулистон шаҳри, Навоий шохқўчаси,
28-уй. Тел: (67) 225-47-73. Буюртма №

Бизга ёзинг: 120100. Гулистон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уй.
E-mail: sirdaryohaqiqati@mail.uz Веб-сайт: sirdaryo24.uz
Telegram: @sirdaryo24 Facebook: sirdaryo haqiqati

**Навбатчи:
Р. СОДИҚОВ**

Нашр кўрсаткичи 459.
ISSN 2181-5984
Топшириш вақти - 16.00
Топширилди - 9.00
28.01.2022 йил

①—Тижорат материали

Сотувда эркин нархда